

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

**“ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ИҚТИСОДИ ВА
МАМЛАКАТШУНОСЛИК ”
ФАКУЛЬТЕТИ**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

МАВЗУ:

**“КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИДА ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ СИЁСАТИ
ВА УНДАН ЎЗБЕКИСТОНДА ФОЙДАЛАНИШ
ЙЎНАЛИШЛАРИ”**

Бажарди: “Кореяшunosлик” таълим йўналиши битирувчи
курс талабаси Хайруллаев Б.. _____

Илмий раҳбар: «Узоқ Шарқ минтақаси иқтисодиёти ва
мамлакатшunosлиги“ кафедраси ўқитувчиси Абдуллаева Ш.Е.

Илмий маслаҳатчи: и.ф.н., Хусанов Ч.Қ.

Тошкент – 2014

Битирув малакавий иши ҳимояга тавсия этилди

“Хорижий мамлакатлар иқтисоди ва
мамлакатшунослик” факултети
декани и.ф.н. Э.Махмудов

“ ____ ” _____ 2014 йил

“Узоқ Шарқ минтақаси иқтисодиёти ва
мамлакатшунослиги” кафедраси муdiri
и.ф.н. доц. А.Алимов

“ ____ ” _____ 2014 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3-6
I БОБ. ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ СИЁСАТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ	7-22
1.1. Ижтимоий ҳимоя: турлари ва мақсад-вазифалари	7-14
1.2. Ижтимоий ҳимояда давлатнинг роли	15-22
II БОБ. КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИДА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ СИЁСАТИ	23-43
2.1. Аҳолини ҳимоя қилишнинг жаҳон тажрибаси	22-29
2.2. Корея Республикасида ижтимоий ҳимоя сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари	30-37
2.3. Корея Республикасида ижтимоий ҳимоя сиёсатида давлатнинг ўрни ва аҳамияти	37-43
III БОБ. КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНING ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ СИЁСАТИДАН ЎЗБЕКИСТОНДА ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНияТЛАРИ	44-58
3.1. Корея Республикаси амалга оширилган иқтисодий ислохотларнинг мамлакатдаги ижтимоий муҳитни ривожлантиришдаги роли	44-49
3.2. Корея Республикаси ва Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги алоқалари	50-58
ХУЛОСА	59-61
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	62-65

КИРИШ

Тадқиқот ишининг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасида ҳаётимизнинг барча соҳалари каби ижтимоий соҳаларда ҳам чуқур ўзгартиришларни амалга ошириш ҳозирги куннинг асосий талабидир.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва ижтимоий таъминот, аҳолининг саломатлиги ва соғлиқни сақлаш тизими, кадрлар тайёрлаш ва таълим тизимини ривожлантириш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолди.

Айниқса, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ислохотларни «ижтимоий ларзаларсиз» якунлаш бевосита ижтимоий соҳага жиддий ёндашишни талаб этди. Чунки, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти бозор механизмининг самарали ишлашини, аҳоли турмуш даражасининг юқори бўлишини ва кучли ижтимоий кафолатларни назарда тутди.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, энг аввало, инсон манфаатларини кўзлайди. Бутун ислохотлар жараёнида республикада аҳолининг ижтимоий муҳофазаси ва уни кўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг қонунчилик ҳамда ҳуқуқий асосларини шакллантириш ҳамда амалга ошириш масалаларига жуда катта аҳамият берилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг мамлакат ҳаётида жиддий ўзгаришлар, туб янгланишлар рўй берди. Сиёсий муносабатларда янгича тафаккур тарзи шаклланмоқда, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида фуқароларнинг реал иштирокини таъминлаш ва унинг кафолатли тизимини яратиш мамлакатда олиб борилаётган кенг қамровли ислохотларнинг негизини ташкил этмоқда.

Президент Ислон Каримов “Бугунги кунда ижтимоий ҳаёт соҳасидаги салбий ҳолатларни бартараф этиб, одамлар турмуш даражасининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймасдан, аҳолининг

ҳимояга муҳтож қатлам ва гуруҳларини ижтимоий муҳофазасини таъминлаган ҳолда, Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий баикарорликни ва фуқаролар тотувлиғни сақлаб қолишга муваффақ бўлди”, деб таъкидлайди. Дарҳақиқат, Ўзбекистонда ўтиш даврида кучли ижтимоий сиёсат тизими шакллантирилди ва ҳозирда уни амалиётга кенгроқ татбиқ қилиш, такомиллаштириш муҳим масалалардан бўлиб қолаётир.

Жамиятни ҳар бир аъзосининг эҳтиёжларини кондиритишга мўлжалланган бозор иқтисодиётини ривожлантириш давлат молия, бюджет сиёсатининг ўзагини ташкил этади. Чунки ҳар бир инсоннинг ёки бирор ижтимоий гуруҳнинг, қолаверса, миллатнинг ижтимоий манфаатлари доимо унинг ижтимоий эҳтиёжларини кондирувчи жамият тизимининг муносабатларида ва Давлат бюджети харажатларида намоён бўлади.

Ижтимоий соҳани тубдан ислоҳ қилиш, уни халқаро андозаларга мувофиқ келадиган тарзда ривожлантириш бу соҳаларга қушимча маблағлар талаб қилиниши боис, бу соҳани харажатларини режалаштириш ва молиялаштириш механизмини такомиллаштириш зарурияти пайдо бўлмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларида Ўзбекистон Республикасида давлатнинг ижтимоий соҳаларни ривожлантиришни таъминлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муаммоларини ҳал этишнинг асосий йўллари ва молия-кредит, бюджет-солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари курсатиб ўтилган.

Ижтимоий соҳалар тараккиёти ёки ижтимоий муаммоларни ҳал этишнинг долзарб масалаларини тадқиқ қилиш соҳасида жуда кўп чет эл иқтисодчилари ва олимлари томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Ключа М., Кейнс Ж., Милс М., Сабанти Б., Самуэлсон П., Теодор Ш., Родионова В., Романовский М., Эклунд К. ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда эса шу муаммоларга бағишланган илмий изланишларнинг бир қатор муаллифлари қаторида Акрамов Э., Вахобов А., Йўлдошев М.И., Олимжонов О., Саидова Г., Убайдуллаева Р., Шарифходжаев М., Шодиев Р., Улмасов А., Ғуломов С., Жамолов Х., Хакимова М. Косимова Г. кабиларни кўрсатиш мумкин.

Тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари. Корея Республикасидаги ижтимоий ҳимоя сиёсатини комплекс таҳлил қилиш орқали ундан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари юзасидан илмий-амалий таклифлар тизимини ишлаб чиқиш тадқиқот ишининг мақсади ҳисобланади.

Белгиланган мақсаддан келиб чиққан ҳолда, илмий изланишда қуйидаги вазифалар бажарилган:

- Ижтимоий ҳимоя сиёсатининг назарий ва методологик асосларини, ижтимоий-маданий тараккиётни таъминлашда давлат сиёсатининг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;
- Аҳолини ҳимоя қилишнинг жаҳон тажрибасини таҳлил қилиш;
- Корея Республикасида ижтимоий ҳимоя сиёсатининг ўзига хос хусусиятларини урганиш;
- Корея Республикасида ижтимоий ҳимоя сиёсатида давлатнинг ўрни ва аҳамияти ўрганиш ва Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари юзасидан таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот ишининг предмети. Корея Республикасидаги ижтимоий ҳимоя сиёсати ва уни амалга оширишда давлатнинг роли ҳисобланади.

Тадқиқот ишининг объекти. Корея Республикасидаги ижтимоий ҳимоя сиёсатидан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари масалалари илмий изланишнинг объекти ҳисобланади.

Тадқиқот ишининг назарий ва услубий асослари. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий йуналтирилган бозор иқтисодиётига утишнинг узига хос стратегияси, тамойил ва устиворлари, хорижий ва ватанимиз олимларининг олиб борган илмий ишлари илмий изланишнинг назарий-услубий асоси булиб хизмат килади.

Битирув малакавия ишини тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Конунларидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорларидан, Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва Статистика Вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги меъерий хужжатлари, курсатмалари, буйруқлари ва ҳисоботларидан манба сифатида фойдаланилди.

Тадқиқот ишининг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

- Ижтимоий ҳимоя сиёсатининг назарий ва методологик асосларини, ижтимоий-маданий тараккиётни таъминлашда давлат сиёсатининг ўзига хос хусусиятларини ўрганилинди;
- Аҳолини ҳимоя қилишнинг жаҳон тажрибасини таҳлил қилинди;
- Корея Республикасида ижтимоий ҳимоя сиёсатининг ўзига хос хусусиятларини ўрганилинди;
- Корея Республикасида ижтимоий ҳимоя сиёсатида давлатнинг ўрни ва аҳамияти ўрганилиб, Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари юзасидан таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти. Битирув малакавия ишида келтирилган назарий маълумотлар ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида, яъни олий укув юртлари, бизнес мактаблари укув дастурларига кирган тегишли фанларни уқитишда ва бюджет ташкилотлари кундалиқ фаолиятида кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот ишининг таркибий тузилиши. Тадқиқот ишининг таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган.

I БОБ. ИЖТИМОЙИ ҲИМОЯ СИЁСАТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1. Ижтимоий ҳимоя: турлари ва мақсад-вазифалари

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган кўшма мажлисидаги “Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли” мавзусидаги маърузада бугун 16 йил мобайнида бошимиздан кечирган кунлар, ҳафталар, ойларни ана шу нуқтаи назардан баҳолар эканмиз, қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ биринчи галдаги ислоҳот ва ўзгаришларни ўз ичига олган дастлабки босқич 1991-2000 йиллар мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида улкан из қолдирган ўтиш даври том маънода тарихий аҳамиятга эга бўлган давр, 2001 -2007 йилгача бўлган муддатни иккинчи босқич фаол демократик янгланиш ва мамлакатни модернизация қилиш даври бўлди, деб баҳоласак бўлади, деган фикрни билдирган эди Шунини алоҳида таъкидлашимиз лозимки, бугунги кунда инсонларнинг яхши ҳаёт кечиришлари учун давлатимиз ва бевосита давлатимиз раҳбари томонидан қилинаётган сай-ҳаракатлар барча фуқароларимиз томонидан қувонч билан кутиб олинмоқда

Мустақилликка эришилгандан сўнг мамлакатимизда демократик тамойиллар тараққиёт учун асос қилиб олинди ва бу борада фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлат тузилишини демократлаштириш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, хусусий мулкни, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес манфаатларини ҳимоялаш борасида зарур қафолатларни яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилди

Ижтимоий ҳимоя қилиш ҳар қандай етарли даражада ривожланган давлат ҳаётининг зарур элементи ҳисобланади. Ижтимоий ҳимоя қилиш концепцияси XIX аср охири - XX аср бошларида пайдо бўлиб, кенг

умумсоциологик маънода тегишли атама сифатида биринчи марта АҚШ да 30-йилларда юзага келди ва Ғарбдаги социологияда ҳар бир фуқарони ишсизлик туфайли иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан азият чекишдан, касаллик туфайли, фарзанд туғилиши, ишлаб чиқаришда шикастланиши ёки касб хасталигига йўлиқиши, ногиронлиги, қариллиги, боқувчисидан ажралиб қолганлиги учун даромадидан маҳрум бўлиши ёки унинг кескин камайишидан ҳимоя қилиш чора-тадбарларини белгилаш учун секин-аста тарқала бошлади.

Мавжуд адабаётларда ижтимоий ҳимоя қилиш тушунчасининг таъриф ва талқинлари турлича. Бунга мисол қилиб олсак, иқтисод фанлари доктори, профессор Қ Абдурахмоновнинг умумий таҳлили остида чоп этилган “Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси” китобида *ижтимоий ҳимоя қилиш тизими - бу ҳуқуқий, ижтимоий - иқтисодий ва сиёсий кафолатларнинг бутун бир тизимини ташкил этади ва тирикчилик воситаларини таъминлаш учун меҳнатга лаёқатли фуқароларга ҳамда аҳолининг ночор қатламларига (давлат ҳисобидан, лекин бу қонун билан белгиланган энг кам иш ҳақидан оз бўлмаслиги лозим) шарт-шароитлар яратиб бериш*, деган таърифни келтиради.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов бугунги эзгу мақсадимиз мамлакат тараққиёти ва фаравонликка эришишнинг ягона йўли бу фақатгина изланиш, янгиланиш ва ислохотлар йўлидаги олға интилиш эканига урғу бериб ўтган эди. Дарҳақиқат, демократик жамият муайян маънода ижтимоий асосларни бирламчи манба сифатида қабул қилади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими асосида аҳоли турли хил катламларига катъий табақалашган ёндошув, ижтимоий ёрдамнинг мақсадли характери ва адреслилиги, уни амалга оширишда давлат билан бир каторда корхоналар, ижтимоий ташкилотлар, шу жумладан фуқаролар узини-узи бошқариш органлари, хайрия фондлари ва бошқа нодавлат фондларининг катнашуви ётади.

Ижтимоий ҳимоянинг ҳаракатдаги тизими аҳолининг турли хил

гурухлари томонидан олинган даромадларни давлат томонидан тартибга солиш йули билан тенгсизликнинг кескин кучайиши имкониятига барҳам берилади. Шу мақсадда кам даромадли, кам таъминланган гурухларни моддий жихатдан қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг юқори даромадли қатлами даромадларининг юқори чегарасини чеклаш учун турли хил ёндашувлардан фойдаланилади.

Ижтимоий асослари бўлмаган жамият ўз тараққиётида собит бўла олмайди. Шу маънода демократик жамият тараққиёти учун ижтимоий сиёсат тизими муҳим рол ўйнайди. Ушбу ҳолатдан келиб чиққан ҳолда, аввало ижтимоий сиёсат тушунчаси ва унинг моҳиятига тўхталиш лозим.

Аввало, ушбу сўз бирикмасидан ҳар бир сўзнинг маъносига тўхталсак. “Ижтимоий” атамаси арабча бўлиб, “якдиллик”, “ҳамкорлик” маъноларини англатади.

«Ижтимоий сиёсат» - давлат сиёсатининг муҳим таркибий қисми, у ижтимоий соҳадаги муносабатларни тартибга солишга, инсон омилини тўла номаён қилишга қаратилганлигида мужассамлашади. “Ижтимоий ҳимоя” эса - аҳолининг кам таъминланган қатлами учун турмуш даражаси ва шароитини яхшиловчи чора-тадбирлар тизимини билдиради.

«Ижтимоий иш» эса касбий фаолият, кишиларга, ижтимоий гуруҳларга, шахсий ва ижтимоий қийинчиликларни қўллаб-қувватлаш, ҳимоялаш, тўғрилаш ва қайта мослаштириш воситасида бартараф етишга қўмаклашиш асосий мақсад ҳисобланади. Ижтимоий иш атамаси бозор иқтисодиёти билан жипс боғлиқ, чунки унинг самарадорлигига еришиш ижтимоий қатламларнинг юзага келиши билан бирга кечада.

Агар ижтимоий қўллаб-қувватлаш тармоғи тузилмаган бўлса, унда ижтимоий соҳада муаммолар кескинлашади, ижтимоий кескинлик юзага келади. Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ўнлаб йиллар мобайнида кишиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш институтлари яратилган ва анча муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Уларда “ижтимоий ходим” касби кенг тарқалган касблардан саналади, ижтимоий тизилмалар

эса, ҳам давлатга қараслик, ҳам хусусийдир Ижтимоий иш икки босқичли бўлиши мумкин тураржойи бўйича ижтимоий олдини олиш ва ихтисослаштирилган ижтимоий ёрдам олган хизмат кўрсатиш, аҳоли бандлиги хизматидан иборат.

Ижтимоий ишнинг серкирралигини ижтимоий ходим, ижтимоий бошқарувчи, ташкилотчи, ижтимоий педагог ижтимоий тиббий ходим, психолог ҳуқуқшунос, социологларда кўриш мумкин.

«Ижтимоий хизмат кўрсатиш » эса ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-маиший, ижтимоий-тиббий, психологик, ижтимоий-ҳуқуқий хизмат ва моддий ёрдам кўсатиш, ижтимоий мослаштиришни ўтказиш, оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган фуқароларни тиклаш ва қайта тиклаш бўйича ижтимоий хизмат фаолияти.

Ижтимоий ҳуқуққа эга бўлган фуқароларнинг ҳуқуқи давлат тизимидаги ижтимоий хизматда давлат томонидан кафолатланади. Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаганлар ҳам муайян мамлакат фуқаролари билан бу хилда ҳуқуқдан фойдалана олади. Ижтимоий ҳуқуқий фуқароларнинг унинг қаровчиси, ҳомийси, бошқа қонуний вакилининг давлат ҳуқумияти ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш идоралари, жамоатчилик бирлашмаларига мурожаат асосида амалга оширилади. Қуйидагилар ижтимоий ҳуқуқнинг асосий тамойиллари:

- манзиллилик,
- мумкинлилик,
- ихтиёрийлик,
- инсонпарварлик,
- оғир ҳаётий вазиятда қолган балоғатга етмаганларга ижтимоий хизмат кўрсатишнинг устуворлиги,
- ошкора эмаслик,
- олдини олишга йўналтирилганлик.

Ижтимоий ҳуқуқий хизмат қуйидаги тарзда амалга оширилади:

- моддий ёрдам кўрсатиш (пул маблағи, озиқ-овқат маҳсулотлари,

санитария ва гигиена воситалари, болаларни парваришlash учун воситалар, кийим, пойабзал ва бошқалар),

- кундалик зарурий нарсалар, ёнилғи, махсус транспорт воситалари, ногиронлар, доимий ёки вақтинча стационардан ташқарида хизмат кўрсатишга муҳтож шахсларни қайта тиклаш техникавий воситалари,
- ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш қобилиятини қисман ёки тўлиқ йўқотган ва доимий қаровга муҳтож фуқароларга стационар муассасаларда махсус хизмат кўрсатиш. Уларнинг ёши ва соғлиғига кўра, ҳаёт фаолияти шароитларини яратиш, тиббий, руҳий, ижтимоий тавсифдаги тадбирларни ўтказиш, овқатлантириш, парваришlash, шунингдек, имконига яраша меҳнат фаолиятини, дам олиш ва бўш вақтини ташкиллаштириш,
- етим болаларга, ота-онасининг қаровисиз қолганларга, боқимсиз балоғатга етмаган ва оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолганларга ихтисослашган муассасаларда вақтинча бошпана бериш,
- ижтимоий-маиший ва ҳаёт фаолиятини таъминлаш учун ижтимоий-тиббий масалалар бўйича, психологик-педагогик ёрдам ва ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя бўйича маслаҳат ёрдами бериш,
- ногиронларга, имконияти чекланган шахсларга, балоғатга етмаган ҳуқуқбузарларга, чекланган шахсларга, касбий, ижтимоий, руҳий қайта тикланишда ёрдам кўрсатиш. Ижтимоий-ҳуқуқий хизмат бепул ва пулли кўрсатилади. Қуйидагиларга бепул хизмат кўрсатиш мумкин: кекса ёшдагиларга, касаллиги, ногиронлиги, қариндошлари йўқлиги туфайли ўзига-ўзи хизмат кўрсатишга ноқобил фуқароларга, агар шундай фуқароларнинг даромади яшаш минимумидан паст болса, қийин ҳаётий вазиятга тушиб қолган шахсларга, ишсизлик, тиббий офат, ҳалокатдан жабр кўрганларга, қийин ҳаётий вазиятга тушиб қолган балоғатга етмаган болаларга.

Ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасаси фаолияти қонунчилик ҳужжатлари асосида белгиланади ва тартибга солинади.

Маълумки, қадимги давр файласуфларидан то ҳозирги замон мутафаккирларигача - ҳаммаси одамларнинг ижтимоий тенглиги ва ижтимоий ҳаётда ҳуқуқий-сиёсий меъёрларга тенг риоя этишига оид жуда кўплаб доно фикр-мулоҳазаларни билдирганлар.

Эътибор берилса, қадимги «Авесто» китобида бу ғоя ўзининг дастлабки ифодасини топган эди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, «Авесто»га оид манбаларда кишиларнинг яхши ва фаровон ҳаёт кечиришларида инсонлар ўртасида „Важ олиш“ одати кучли бўлган „Важ“ (бож) сўз олиш ёки ваъда бериш маъносини англатган. Бу одатга кўра, бирор ишга қўл уришдан, ухлашдан, овқат ейишдан ёки диний ибодатдан аввал “Авесто”даги бирор оят такрорланган. Бу одат замонлар ўтиши билан ўзининг муҳим хусусиятларини сақлаб қолиб, бизнинг замонамизгача одамларнинг ўзаро муомала ва муносабатларида “сўз бериш”, “бир-бирларига ёрдам бериш”, ваъдалашиш маъноларида сақланиб қолган. Айрим одамлар учун бирор иш, юмуш ёки хизмат юзасидан бошқа бирорни ишонтириш учун қимматбаҳо кафолатдан кўра “Чин инсоний сўз”, “йигит сўзи”, “ваъда” афзал туюлади, деган фикрларни манбаларда ўқишимиз мумкин.

Инсоният тарихида ижтимоий сиёсатга оид муносабатларда моддий бойликни тақсимлашга кўпроқ эътибор қаратилган. Машҳур файласуф Пифогорнинг (эр. ав. 571-497 йй) шогирдлари ва мухлислар “Пифогорчилар иттифоқи” уюшмасини ташкил этишни ўз олдиларига мақсад қилиб қўядилар. Натижада улар ўзи шаҳарларидан 500 нафар энг бой-бадавлат кишиларни ҳайдаб чиқарадилар ва уларнинг мол-мулкларини мусодара этадилар. Бироқ бу уюшма кўп ўтмай жамият томонидан қаттиқ қаршиликка учрайди. Диққат қилинса, “Пифогорчилар иттифоқи” жамиятдаги ижтимоий тенгсизликни тўғри идрок этганлар. Лекин, улар бу ҳолни тартибга келтиришда номаъқул ҳаракат шаклини танлаганлар. Жамият эса бундай кескинликни рад этади. Демак, ижтимоий тенгсизлик тушунчаси инсоният тафаккурининг қадимий даврларидан бошлаб англана борган ва буни бартараф этиш йўлида турли амаллар ва услублардан фойдаланилган.

Бу борада машхур файласуф Гераклитнинг (эр ав VI-V асрлар) фикрлари ҳам диққатга сазовордир. У шундай ёзади «Туғилган одам яшашга интилади, яшаш эса ҳуқуқли бўлишдан иборат. Бундай ҳуқуқ ўлимга қадар давом этиши лозим». Демак, инсон ўз умрини кечиришда жамиятдан муайян имкониятлар талаб қилади. Булар орасида, табиийки, ижтимоий муҳофазаланиш ҳам бор. Гераклит давом этиб ёзади “Инсоният ҳаётида уруш унга доимо ҳамроҳ бўлиб келган. Лекин у ким учундир кураш, ким учундир бойлик ортириш манбаи ва яна ким учундир куллик, ниҳоят баъзилар учун озодликдир. Билмоқ лозимки, уруш ўткинчидир, энг асосий ҳақиқат курашдадир, кураш натижасида имкониятлар юзага келтирилади” Ўйибор берилса, Гераклит инсоннинг ижтимоий фаоллигини барча имкониятларнинг манбаи сифатида баҳолайди.

Инсонда ижтимоий онг шакллангандан бошлаб у фаровон жамиятни ўзи қилиб келган. Бундай жамиятга эришиш одамлар онгига, маданиятига боғлиқ болган. Одамларнинг онги, маданияти қанчалик юқори бўлса, жамиятнинг ривожланиши шунчалик тезлашган. Жамиятнинг ривожланиши одамларнинг сиёсий онгга бевосита боғлиқ бўлган. Сиёсий онгнинг даражаси эса, одамлар онгига демократик қадринятларни сингдиришга боғлиқ. Демократия эса ижтимоий сиёсатни кучайтирувчи омилдир.

Ўзбекистон жамияти қиёфасининг ўзгариши, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида узоқни кўзлаб амалга оширилаётган “Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари” деган тамойилда, аниқроғи, уни амалга оширишда намоён бўлмоқда.

Булар ҳокимият ваколатларининг маълум бу қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият органланга ўтказишда, ўзини-ўзи бошқарув органлари маҳалла, маҳалла кўмиталари ва қишлоқ фуқаролар йиғинларининг ўрни, ҳамда ваколатларини амалда кучайтиришда, сиёсий партиялар ва фуқаролик институтларининг давлат аҳамиятига молик энг муҳим қарорларни қабул қилишдаги роли ва таъсирини кучайтириш кўриниб турибди. Аҳолининг турли ижтимоий ва социал гуруҳлари манфаатларини ифодаловчи,

мамлакатимизда шаклланаётган фуқаролик жамиятининг асосий институтлари бўлган нодавлат ва жамоат ташкилотларининг роли ошиб бормоқда

Бу ташкилотлар одамлар онгида демократик кадриятларини мустаҳкамлашда, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини оширишда, мамлакатда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг кўламини кенгайтиришда муҳим рол ўйнамоқда. Ҳозирги кунда депутатлар корпуси, сиёсий партиялар ва нодавлат, ноҳукумат жамоат ташкилотларининг мавқеи ортиб бормоқда, улар давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини асосий воситасига айланмоқда.

Ҳозирги замон жамият тизимининг муҳам белгиси бу демократик тамойиллар ролининг ортиб боришида кўзга ташланади. Демак, демократик жараёнларнинг чуқурлашиши ҳозирги жамият тизимининг ўзига хос хусусиятидир Глобаллашув, субъектив омиллар таъсири остида дунёнинг деярли барча мамлакалларида демократик жараёнлар ривожланиб бормоқда.

Ўзбекистонда ҳам бу жараёнлар демократик янгиланиш, фуқаролик жамиятини қуриш тарзида намоён бўлмоқда. Фақат бу ўзига хос йўсинда юз берапти. Бизда халқ ҳокимияти бўлмиш демократиянинг фундаментал тамойилларига асосланган ҳолда ривожланмоқда Халқнинг тафаккури кўҳна ва навқирон турмуш тарзи билан мувофиқ ҳаракатланиб, жараёнлар тобораа чуқурлашиб замонга муносиб ўринни эгаллаб бормоқда.

Жамиятнинг демократлаштириш жараёнлари чуқурлаштириш, инсоният ҳаётини фаровон қилишга хизмат қилиб, ижтимоий сиёсатнинг самарали ва устуворлигига шароит яратмоқда.

Инсон ўзини ижтимоий индивид сифатида англаганидан буён фаровон ҳаётга эришиш учун интилиб келади. Шу билан бирга инсонга хос талаб-эҳтиёжларни қондириш ҳамкорлик ва бирдамликни талаб этади. Бу тенденция тадрижий равишда кучайиб боради. Фаровон ҳаёт, идеал жамият ғоясини амалга оширишда фуқаролар давлатга катта умид билан қараганлар. Чунки одамланинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш барча

жамиятларда давлатнинг ички сиёсатида устувор аҳамиятга эга бўлган. Ижтимоий сиёсат муқаррар ижтимоий ҳимояга эътиборни талаб этганю Ижтимоий ҳимоя даражаси ҳамма вақт ҳам бар хил бўлавермайди, шу билан бирга, жамиятларнинг ривожланиши хилма-хил бўлади. Ижтимоий иқтисодий тузумларнинг ривожланиш даражаси бир хил эмаслиги, айниқса аҳолининг ижтимоий ҳимояга ўз таъсирини кўрсатади.

1.2. Ижтимоий ҳимояда давлатнинг роли

Узоқ вақт давомида дунёда иқтисодий ривожланиш концепцияси якка ҳукмрон бўлиб келган. Қисқача айтганда, ушбу концепциянинг моҳияти нихоятда содда ва тушунарли: иқтисодиёт ва меҳнат самарадорлигининг ўсиш суръати юқори бўлган, ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) ва аҳоли жон бошига ўртача даромади юқори бўлган мамлакат фаровон ҳисобланади. Турли сиёсий, иқтисодий тизимларга эга давлатлар айнан иқтисодий ривожланиш суръатларига кўра ўзаро рақобатлашар эдилар. Бу концепция содда ва тушунарли бўлгани туфайли ҳамон одамлар тафаккурига ўз таъсирини ўтказиб келмоқда.

Аммо ХХІ аср бўсағасида иқтисодий ўсишнинг ўзи асосий мақсад эмаслиги аён бўлиб қолди. Жамиятнинг даромадлари фақат восита холос: улар кам таъминланган аҳоли қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш дастурларига ҳам, қуролланишга ҳам, маорифни ривожлантиришга ҳам, дабдабали, аммо ҳаёт фаровонлигига таъсир кўрсатмайдиган лойиҳаларни амалга оширишга ҳам сарфланиши мумкин. Шу сабабли турли мамлакатлардаги турмуш сифати ҳар доим ҳам ўртача даромад даражасига мос келавермайди. Бундан ташқари, ЯИМ нотекис тақсимланиши мумкин. Зеро, ҳукуматларнинг ижтимоий сиёсати фаол, кучли ёки суст, лоқайд бўлиши мумкин. Демак, ЯИМ даражаси ҳам, ўсиш суръати ҳам тараққиёт ва муваффақиятнинг асосий мезони бўла олмайди. Бу ҳақиқатни англаш янгича

ёндашувни - Инсон тараққиёти концепциясини шакллантириш имконини берди.

2000 йилнинг сентябрь ойида БМТнинг Минг йиллик Саммити бўлиб ўтди ва унда БМТнинг Минг йиллик Декларацияси, яъни халқаро ҳамжамиятнинг инсон тараққиёти ва инсон хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ҳаракат дастури бир овоздан қабул қилинди. Бу ҳужжатга биноан Минг йиллик ривожланиш мақсадлари, яъни 192 давлат ва 23 халқаро ташкилотлар томонидан 2015 йилга келиб кашшокликни бартараф қилиш, одамларнинг билим даражасини кўтариш, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш, инсон ҳуқук ва эркинликлари тенглигини таъминлаш, касалликларга қарши курашиш, тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш борасида эришиш керак бўлган вазифаларга оид мажбуриятлар белгиланди. МРМга эришиш билан боғлиқ ҳолатлар 8 та мақсад, 21 та вазифа ва 60 кўрсаткичларга асосланган ҳолда баҳоланади.

Жаҳон амалиётининг далолат беришича, ижтимоий муаммолар ҳал этилишини “кейинга” қолдириб, олдин иқтисодий ўсишни таъминлаб булмайди. Иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар ўтказишнинг асосий шarti ана шу ислохотлар ижтимоий сиёсатнинг мутлақо янги стратегияси билан тизимли ва ўзаро боғлиқ бўлишидан иборатдир. Бу муаммони ҳал этиш учун аҳолини иш билан таъминлаш ва даромадларни тартибга солиш давлат сиёсатини янада такомиллаштириш, бу соҳадаги аниқ давлат сиёсатини шакллантириш, иш берувчилар учун давлат кўрсатмалари ва йуналишларини шакллантириш талаб қилинади.

Жамиятнинг ривожланиш стратегияси – бу бош мақсад ва устуворликларни ҳамда сиёсий ислохотлар, иқтисодий ва ижтимоий дастурларни амалга оширишнинг изчиллиги, бирин-кетинлигини аниқ белгилашдир. Яққол ифодаланган стратегиясиз барқарор ижтимоий тараққиёт, ҳокимиятнинг турли тармоқлари ва даражаларида хатти-ҳаракатларни мувофиқлаштириш, ресурслар ва кучларнинг оптимал тақсимланишига эришиш мумкин эмас.

Ўзбекистоннинг ривожланиш стратегияси мамлакат Президенти И.А.Каримов асарларида Ўзбекистоннинг тарихий ривожланиш хусусиятлари, ўтиш даври муаммолари ва умумбашарий тараққиёт тенденцияларини чуқур таҳлиliga асосланган ҳолда ҳар томонлама ишлаб чиқилган. Мамлакатимиз олдида турган юксак стратегик мақсад ҳақида сўз юритар экан, Президент И.А.Каримов қайд этганидек, у “барқарор ривожланиб бораётган иқтисодиётга асосланган, очиқ демократик ҳуқуқий давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас, амалда олий қадрият даражасига кўтарилган, жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозонган жамият барпо этиш”дан иборатдир.

Олий Мажлис юқори палатасининг навбатдаги ялпи мажлисида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини қабул қилиш масаласини кўриб чиқилди. Сенаторлар мамлакатимизнинг 2014 йилги бош молиявий ҳужжатини муҳокама қилишди. Бу ҳудудий вакиллик органи сифатида юртимиз барча ҳудудлари манфаатларини таъминлаш нуқтаи назаридан амалга оширилди. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, ялпи мажлисга ҳозирлик кўриш жараёнида 2014 йилги Давлат бюджети Сенатнинг тегишли кўмитаси мажлисида муҳокама қилинди. Унда таъкидланганидек, Ўзбекистон ривожланишининг келгуси йил учун стратегиясини белгилаб берадиган 2014 йилги Давлат бюджети, аввало, макроиқтисодий барқарорлик ва ялпи ички маҳсулот ўсишининг юқори кўрсаткичларини таъминлаш, модернизацияланган, диверсификация қилинган ҳамда рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини янада юксалтиришга йўналтирилган. Айнан мана шу стратегик вазифаларни амалга ошириш учун давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жамият ҳаётининг барча соҳаларида кенг миқёсли ўзгаришлар рўёбга чиқарилмоқда, ялпи ички маҳсулот ўсишини таъминлаш бўйича босқичма-босқич чоралар кўрилаётир. Бунинг натижасида бугунги кунда, яъни аксарият мамлакатлар иқтисодиётида ўсиш суръатлари пасайиши давом этаётган бир шароитда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари сўнгги йилларда 8

фоиздан ортиқни ташкил қилмоқда. Бу тараққиётнинг “ўзбек модели” нечоғли ҳаётий эканлигидан, ислохотларнинг изчил ва кенг қамровлилигидан далолатдир.

Давлат бюджетига кўра, 2014 йилда ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, банк тизимини такомиллаштириш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг аҳамияти ҳамда ролини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида хизмат кўрсатиш соҳаси ва касаначиликни рағбатлантириш рағбатлантириш бўйича бир-бири билан узвий боғланган, кенг кўламли чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилади. Унда, шунингдек, қишлоқда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, аҳоли турмуш сифатини тубдан яхшилаш, фуқароларнинг реал даромадларини кўпайтириш, эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг манзиллилигини оширишга алоҳида урғу берилган. Хусусан, келгуси йилда иқтисодиётни изчил ислоҳ қилиш, диверсификациялаш ва таркибий ўзгартиришни чуқурлаштириш, янги юқори технологияли ишлаб чиқариш объектларини ривожлантириш, мавжуд ишлаб чиқаришни модернизациялаш жараёнларини жадаллаштириш ҳисобига хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатдошлигини ошириш бўйича кенг миқёсли ишларни бажариш кўзда тутилган.

Хизматлар кўрсатиш соҳасининг жадал тараққиётини таъминлаш, Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойларни қуриш дастурини амалга ошириш, шунингдек, бюджет маблағлари ҳисобига ижтимоий инфратузилма объектларини, шу жумладан, электр, газ тармоқлари, сув қувурларини ҳамда ички йўللарни қуриш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш изчил давом эттирилади. 2014 йилда ялпи ички маҳсулот ўсиши 8,1 фоиз, саноат маҳсулотлари 8,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 6 фоизни ташкил қилиши кутилмоқда.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилашни жадаллаштириш ҳамда кўламини кенгайтириш, йўл-транспорт ва

муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш дастурларини фаол амалга оширишни давом эттириш, қулай инвестициявий ҳамда ишбилармонлик муҳитини яратиш келгуси йилда устувор вазифалардан бири бўлиб қолади. Бу, шубҳасиз, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш ҳамда бюджетнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг солиқ сиёсати келгуси йилда ҳам аввалги йиллардаги каби солиқ солиш тизимини соддалаштиришга, хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли учун солиқ юкини камайитиришга, маҳаллий бюджетларнинг даромад қисмини мустаҳкамлаш ҳамда солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришга йўналтирилади. Жумладан, бунда хўжалик юритувчи субъектларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва меҳнатини рағбатлантириш учун қўшимча манба яратиш мақсадида фойда солиғининг базавий ставкасини 9 фоиздан 8 фоизга тушириш назарда тутилмоқда. Бу эса 132 миллиард сўмни корхоналар ихтиёрида қолдириш имконини беради ва уларнинг рағбати учун сарфланади.

Мамлакатимиз бош молиявий ҳужжатида аввалги йиллардаги каби ижтимоий йўналтирилганлиги сақлаб қолингани эътиборга молик. Сир эмас, бугун юртимизда одамларнинг турмуш даражасини ошириш, аҳоли реал даромадларини янада кўпайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, иш ҳақини оғишмай ошириб бориш орқали аҳоли даромадлари ва фаровонлигини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида охириги уч йил давомида халқимизнинг реал даромадлари 1,9 баробар ортди. Истиқболда бу борадаги ишларни изчил давом эттириш кўзда тутилмоқда. Келаси йилда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар инфляция даражасидан юқори миқдорларда оширилиши кутилмоқда.

2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг таълим муассасаларига қилинадиган харажатлари бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва

жиҳозлаш жамғармаси ҳамда Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасининг харажатларини ҳисобга олмаганда, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 7,4 фоизни ташкил этади. Шу билан бирга, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда мукамал таъмирлаш, спорт заллари ва майдонлари, бошқа инфратузилма объектларини барпо этиш, уларни ўқув-лаборатория, ишлаб чиқариш ва спорт ускуналари, компьютер техникаси ҳамда ахборот-коммуникация ўқув технологияларининг бошқа унсурлари, ўқув мебелли ва инвентар билан қайта жиҳозлаш кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги қарори билан тасдиқланган Давлат дастурига мувофиқ, болалар муסיқа ва санъат мактабларини қуриш ҳамда мукамал реконструкция қилиш ва уларни жиҳозлаш ишлари давом эттирилади. Катта миқдордаги бюджет маблағлари 2011—2016 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини модернизация қилиш ва мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш дастурини амалга оширишга сарфланади. 2014 йилда соғлиқни сақлаш тизимига харажатлар бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларни инобатга олмаганда, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,9 фоизни ташкил этади. Бу эса соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш ва аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш юзасидан қабул қилинган дастурлар доирасидаги барча тадбирларнинг молиялаштирилишини таъминлаш имконини беради.

2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чоратадбирлар дастурини амалга ошириш доирасида республика тиббий-ижтимоий муассасаларини қуриш ва реконструкция қилиш, ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш назарда тутилмоқда. 2014 йилда ҳудудларнинг даромад базасини ошириш ва маҳаллий бюджетларда

субвенсиялар улушини камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни рўёбга чиқариш режалаштирилган бўлиб, бу уларнинг даромад қисмини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бюджетнинг даромад қисмини шакллантиришга комплекс ёндашиш, давлат бюджети маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш бўйича қатъий бюджет сиёсатини олиб бориш, харажатлар устидан назорат тизимини такомиллаштириш, шакл-шубҳасиз, аҳоли турмуш сифатининг яхшиланишига, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишига замин яратади.

Аҳолини ижтимоий химоялаш тизими асосида аҳоли турли хил катламларига қатъий табакаланиш ёндошув, ижтимоий ёрдамнинг мақсадли характери ва адреслилиги, уни амалга оширишда давлат билан бир каторда корхоналар, ижтимоий ташкилотлар, шу жумладан фуқаролар узини-узи бошқариш органлари, хайрия фондлари ва бошқа нодавлат фондларининг катнашуви ётади.

Ижтимоий химоянинг ҳаракатдаги тизими аҳолининг турли хил гуруҳлари томонидан олинган даромадларни давлат томонидан тартибга солиш йули билан тенгсизликнинг кескин кучайиши имкониятига барҳам берилди. Шу мақсадда кам даромадли, кам таъминланган гуруҳларни моддий жихатдан қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг юқори даромадли катлами даромадларининг юқори чегарасини чеклаш учун турли хил ёндашувлардан фойдаланилади.

Республика аҳолисини халқ хужалигида шаклланаётган ва ривожланаётган бозор муносабатларининг салбий оқибатларидан химоя қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг юқорида саналган тадбирлари республикада ижтимоий-сиёсий барқарорликни урнатишни кафолатлайди, даромадлар даражаси бўйича аҳоли катламлари уртасидаги ижтимоий табакаланишнинг чуқурлашувини олдини олишга имкон яратади, қашшоқликнинг кучайишига йул қўймайди, аҳолининг тобора ушиб бораётган фаоллиги ва барқарор иқтисодий ўсиш эса республика аҳолиси барча катламларининг турмуш даражасини яхшиланишига олиб келади.

Бозор муносабатларини шакллантиришнинг турли боскичларида
Ўзбекистон ижтимоий сиёсатининг асосий йуналишлари

1. Фукарларнинг меҳнат килиш борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш.
2. Ижтимоий ҳимоялашнинг мақсадли ва аниқ йуналтирилганлиги.
3. Аҳолининг ижтимоий жihatдан энг муҳтож табақаларини қўллаб-қувватлаш.
4. Иқтисодий жihatдан фаол аҳоли меҳнатини рағбатлантириш.
5. Реал меҳнат бозорини шакллантириш.
6. Ижтимоий соҳа, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва санъат, илм-фаннинг мушкул аҳволга тушиб қолишига йул қўймаслик.

Хал этилиши муҳим бўлган вазифалар

1. Ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш ва муттасил ривожлантириш. Пулнинг кадрсизланишига қарши самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайиб кетишига йул қўймаслик, иш билан бандлик муаммоларини хал қилиш.
2. Аҳолига ижтимоий ёрдам курсатишга давлат маблағлари билан бир қаторда меҳнат жамоалари, жамият ва хайрия ташкилотлари ва жамғармаларининг маблағларини кенг жалб этиш.
3. Одамлар қуч ва қобилиятларининг тула-туқис фаоллашувини таъминлашга қодир бўлган қучли механизмни вужудга келтириш... Ўз қобилият ва меҳнатига таяниб иш тутиш – фаровонликнинг бирдан-бир ва энг барқарор манбаи бўлиб қоладиган муносабатини вужудга келтириш.
4. Аҳоли даромадларида ва турмуш даражасида асоссиз ва катта фарқларга йул қўймаслик. Жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлайдиган қатламларни вужудга келтириш.
5. Қашшоқликка қарши қураш. Аҳоли энг муҳтож қатламининг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини қучайтириш.

II БОБ. КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИДА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ СИЁСАТИ

2.1. Аҳолини ҳимоя қилишнинг жаҳон тажрибаси

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва уни кафолатлаш масалаларида давлатнинг роли ва вазифалари бўйича Жаҳон банки иқтисодий ривожланиш Институти инсон ресурслари бўлимининг 1992-йилда тайёрланган “Иқтисодий ўсиш даврида ижтимоий ислохотлар ўтказиш” дастурига кўра, Марказий Европа давлатлари ва собиқ Иттифокнинг 12 та мустақил давлати, шу ижтимоий ҳимоя (social protection) ижтимоий қўллаб-қувватлаш (social safety net) Комплекс режалари асосида қатор амалий тадбирлар ўтказилмоқда. Бу дастурнинг негизини ижтимоий суғурталар (нафақа суғуртаси, касаллик суғуртаси, ишсизликдан суғурта, тиббий суғурта, бахтсиз ҳодисалардан суғурта, оилавий ва кам таъминланганлар учун нафақа тадбиқ этиш тавсия қилинган. Бу суғурталарнинг баъзилари Ўзбекистонда ҳозирнинг ўзидаёқ амалга оширилмоқда.

Дунёда ҳозирги даврда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда бу қатор моделлар мавжуд. Улардан бири Скандинавия мамлакатларида (Финляндия, Швеция) қўлланилаётган **социал-демократик модел** бўлиб, бундай моделга кўра давлат ижтимоий ҳимоянинг барча маъсулиятини ўз зиммасига олади.

Неолиберал моделга кўра эса (АҚШ) ижтимоий ҳимоянинг аксарият қисмини тадбиркорлар ва касаба уюшмалари бажарадилар.

Неоконсерватив» моделга кўра (Германия) ижтимоий ҳимоя давлат кафолатлари жавобгарлигида хусусий тадбиркорлар ва давлат федерал бюджети асосида олиб борилади.

Маълумки, ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий кафолатнинг муҳим йўналишини нафақа билан таъминлаш соҳасидаги чора-тадбирлар ташкил этади.

Ривожланган мамлакатларда нафақа ёшининг чегараси ҳар хил

белгланган. Масалан, у Италияда эркаклар учун 60 ёш ва аёллар учун 50 ёш, Франйияда эркак ва аёллар учун бир хил - 60 ёш, АҚШ, Германия, Швеция, Канада ва Испанияда ҳар икки жинс учун 65 ёшдан қилиб белгланган.

Лекин кўпчилик Европа давлатларининг қонунларига кўра кишилар муддатдан олдин ҳам нафақага тақдим этилади. Бу аввало, меҳнат шароити оғир ва зарарои бўлган жойларда ишлаган кишиларга тегишлидир. Австралия, Белгия, Франция, Германия, Италия ва Нидерландияда шахтёрлар ер ости ишларида 15 йил ишлаган бўлса, 5 йил олдин нафақага чиқадилад. Испанияда ер остида и ишлаганлар ҳар бир йил учун нафақа ёши 6 ойга қисқаради.

Ишчининг меҳнат қобилияти пасайганда у қарилик нафақасига бирмунча барвақт чиқиш ҳуқуқига ҳам эга бўлади Масалан, Нидерландияда 15 фоиз меҳнат қобалиятини йўқотган шахсларга нафақа охирги даромадининг 75 фоизи миқдорида тайинланади. Бир қатор мамлакатларда эса ишчилар белгилаб қўйилган ёшга нисбатан эрта нафақага чиқишлари мумкин. Аммо, бунда нафақа миқдори бирмунча кам бўлади. Масалан, АҚШда ҳар бир йил учун нафақа 6,6 фоизга камайтириладиган бўлса, нафақа ёши 3 йилгача пасайиши мумкин. Финлядия ва Швецияда нафақа ёшига етмаган ҳар бир йил учун нафақа пули 6 фоиз камайтирилса, нафақа ёши эса 5 йилга пасаяди

60-йилларнинг охирларидан бошлаб ривожлаган капиталистик мамлакатларда нархнинг ўсиши тўхтамаётган шароитда нафақа олувчиларнинг харид қилиш қоболиятини сақлаш учун нафақаларини мунтазам қайта кўриб чиқиш ишлари амалга оширилган. Бунда, иш ҳақи яшаш қиймати кўрсаткичига кўра ўтказилади.

Австралия, Канада, Финляндия, Германия, Франция, Нидерландия, Данияда нафақани қайта ҳисоблаб чиқиш негизида иш ҳақи кўрсаткичини ўзгартириш тартиби ётади. Шу балан бирга иш ҳақининг умуман нархга нисбатан тез ўсиши ва пенсионерларнинг турмуш даражаси ишлайдиганларникига мувофиқ равишда ортиб бориши зарурлиги эътиборга

олинади.

АҚШ, Швеция, Япония, Канада, Финляндия, Норвегия, Швецияда нафакани қайта ҳисоблаб чиқишда яшаш қиймати (жон бошига истеъмол ҳолати) кўрсаткичидан фойдаланилади. Бундай ҳолда нафақа даражаси ва иш ҳақи даражаси ўртасидаги тафовутни камайтириш, истеъмол моллари нархининг ошиши муносабати билан пенсионерлар кўрадиган зарарни акс эттирувчи катъий миқдорда нафақага қўшимча қўшилади. Бу ижтимоий кафолатнинг бир шаклидир.

Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида умуммиллий ижтимоий суғурта тизимидан ташқари, хусусий фирмалари томонидан тўланадиган қўшимча нафақалар кенг тарқалган. Масалан, Францияда барча ёлланма ишчилар мана шундай қўшимча таъминот тизими билан қамраб олинган. Нафақа олишга ҳақи бўлмаган ёки нафақа, нафақа миқдори тармуш кечиришга етмайдиган шахсларга келганда шуни айтиш керакки, муҳтожларга ёрдам берувчи жамғармалар идораларининг эътибор ана шундай шахсларга қаратилган бўлади. Бундай фаолиятга мурувват кўрсатувчи нодавлат ташкилотлар тизими ҳам жалб этилгандир.

Шу ўринда хусусий жамғармалар ўзларининг иштирокчиларини етарли нафақа билан таъминлай олмасалар нима бўлади, деган савол туғилиши табиий. Бу жараён ҳам ривожланган демократик мамлакатлар қонунларида ўз ифодасини топган. Яъни, хусусий нафақа жамғармалари яхши фаолият кўрсатмай етарли нафақа миқдорини таъминлай олмаса, янги нафақа тизимига 20 йилдан кам бўлмаган даврда суғурта бадали ўтказган фуқароларга яшаш минимуми миқдорида нафақа тўлашни кафолатлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, кўпгина ривожланган мамлакатларда ижтимоий ёрдамнинг давлат дастури нафақа бериш ва тиббий ёрдамнинг давлат дастури доирасида хизмат кўрсатишни назарда тутди. Давлат дастури доирасига маълумот олиш ва уй жой қурилиши ҳомиладор аёлларга ёрдам ва вафот этганда нафақа бериш ҳам киради. Фуқароларнинг маиший турмушига доир дастурнинг мақсади камбағаллар, жумладан, бошпанасиз

болалар, қариялар, оғир аҳволга тушиб қолган хотин ва қизлар ва ногиронларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳисобланади.

Германиянинг ижтимоий тизими бир йил мобайнида шаклланган эмас. Унинг юқори самарадорлиги чет элда ҳам тан олинади. Масалан, ялпи ички маҳсулотлардаги ижтимоий хизматлар улуши 34,2 фоизни ташкил этади. Германияда касаллик ҳолатидан бахтсиз ҳодисадан ва қариликни суғурталаш тизими мавжуд. 1957-йилда фермерлар касаллик ҳолати бўйича ёрдам олиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

1990-йилдан бошлаб ижтимоий таъминот турлари билан пенсионерлар, уруш ногронлари, урушда ҳалок бўлганлар оилалари ва ногиронлар таминланмоқдалар. Нафақа таъминоти тизими қайта 1992 йилда ислоҳ қилинган. Германиянинг деярли барча аҳолини мажбурий ёки кўнгилли тартибда ёхуд хусусий суғурта агеньликлари доирасида касалликлар бўйича суғурта қилинади. Касаллик ҳолатидан, шунингдек, пенсионерлар, ишсизлар, ўқувчилар ва талабалар суғурта қилинган.

Нафақа суғуртаси бўйича тўланадиган тўлов миқдори ҳозирда умумий даромаднинг 20,3 фоизини ташкил этади. Суғурта бадаллари тенгма-тенг (50% га 50%) миқдорида ишчи ва иш берувчи томонидан тўланади. Нафақа суғуртаси орқали қарилик ва касбий ишга лаёқатсизлик нафақалари тўланади. Аёллар кексалик нафақасини 60 ёшга етганларидан сўнг оладилар. Нафақа миқдори аввало маош миқдорига боғлиқ. Ночорлик нафақаси Германияда фақатгина ўз-ўзига ёрдам бера олмайдиган ва бтрон кимсадан ёрдам олмайдиганларга берилади.

Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, мустақилликка эришган ёки бўлмаса, ўз вақтида туб ислохотлар ўтказган ривожланган мамлакатларда ҳам Германиядагидек кучли ижтимоий муҳофаза қўлланилмаган.

Ижтимоий ҳимоя энг кучли ҳисобланган Швецияда ҳам фақатгина 12 фоиз оила давлат томонидан турли хил ижтимоий ёрдам олади. Бу кўрсаткич Буюк Британияда 7 флизни ташкил этади. Ёки бўлмаса, иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган АҚШда ҳам давлат фақатгина ўзини-

Ўзи боқиш имкониятига эга бўлмаган ёки бўлмаса ижтимоий ёрдамга ўта муҳтож аҳоли тоифаларигагина ёрдам беради, холос.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг Осиё давлатлари тажрибаси эса, Ғарб давлатлариникидан анча фаиқ қилади. Масалан, Японияда иккинчи жаҳон урушидан кейин асосий эътибор жамиятни ислоҳ қилишга ва аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга қаратилган.

Япония ижтимоий таъминот тизимининг бош бўғини ижтимоий суғурта ҳисобланади ва унинг вазифаси вақтинчалик ёки бутунлай меҳнатга яроқсиз бўлиб қолганларга ёрдам кўрсатишдир. Ижтимоий ёрдам суғурта фондлари ҳисобидан фаолият кўрсатади. Мамлакатда ижтимоий таъминот тизими бўйича 1973-ҳамда 1983-йиллари ислоҳот ўтказилиб, аҳоли ижтимоий таъминоти даражаси янада кенгайтирилди.

Давлат айрим ҳолларда нафақага қўшимча миқдорда дотайия тўлайди. 1941-йилдан бошлаб Японияда “фаровонлик нафақаси” ташкил қилинган бўлиб, 1980-йилда бу нафақани олувчилар 26,8 миллион кишини ташкил этган, уларнинг ҳаммаси хусусий корхоналарнинг ишчилари бўлган. Суғурта фонди маблағларининг асосини ишчиларга тўланадиган бадал ташкил қилади. Бу иш ҳақининг 11,3-13,6 фоизни ташкил этиб, маблағнинг ярмини суғурталанувчилар, қолган ярмини эса иш берувчи беради. Ўз навбатида ҳукумат нафақа суммасининг 20-25 фоизини тўлайди. Нафақа қарилиги, ногиронлиги, боқувчисидан ажралганлиги учун берилади.

Япония соғлиқни сақлаш суғуртаси Осиё қитъасида энг намунали саналади. Соғлиқни сақлаш фонди суғурта фонди томонидан молиялаштирилади. Аҳолининг маълум гуруҳларига бепул тиббий хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Соғлиқни сақлаш суғурта фонди ишчиларининг суғурта бадаллари, давлат маблағлари ҳисобига ҳамда корхоналар ўтказадиган маблағ ҳисобига вужудга келтирилади. Мамлакат соғлиқни Суғурталаш миллий тизими асосан кичик мулкдорлар синфини қамраб олган бўлиб, 45 миллион кишига хизмат кўрсатади.

Фуқаро касалхонада даволанса, бировларнинг қарамоғида яшайдиганларга давлат 70 фоиз харажати тўлайди, 30 фоизни эса фуқароларнинг ўзлари тўлашади. Айрим ҳолларда касални даволаш учун харажатлар кўпайиб кетса, харажатларнинг бир қисми суғурта пули ҳисобидан қопланади.

Япония суғурта тизими фуқароларга ҳамма шароитда ҳам ёрдам беришга мўлжалланган. Ташкилот ва муассасалар билан ҳисоб-китобларни Соғлиқни сақлаш ва Ижтимоий таъминот вазирлиги тасдиқлаган тиббий хизмат кўрсатиш таърифларига асосан олиб бориш мамлакат бўйича жорий этилган.

Суғурталанган фуқаро ишга чиқмаган, жароҳат оиган, таътил ва бошқа ҳолларда 4-кундан бошлаб меҳнат қобилиятини йўқотганлиги учун 60 фоиз миқдорда иш ҳақи олиш ҳуқуқига эга бўлади. Бундай тўловлар энг кўпи билан 6 ой муддатга тўланиши мумкин. Бола туғилганлиги ва болага қараш учун ҳам махсус пул тўловлаари амалга оширилади.

Японияда ҳар йили 60 ёшгача бўлган қарияларни тиббий кўрикдан бепул ўтказиш ва 70 ёшга кирганларга бепул ёрдам кўрсатиш жорий қилинган.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш жоизки, ривожланган мамлакатларда ижтимоий таъминот тизимининг тажрибаси меҳнаткашлар ҳуқуқини ҳамоя қилувчи жамоат ташкилотлари, аввало касаба уюшмаларининг жонбозлиги туфайли қўлга киритилган.

Ҳозирда кўплаб мутахассислар иқтисодиёт ва ижтимоий тараққиёт ўртасида узвий боғлиқлик мавжудлигини таъкидлашмоқда. Бу айниқса ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётида яққол намоён бўлади. Айнан ижтимоий йўналтирилган иқтисодиёт шароитида ижтимоий муаммолар мувафаққиятли ҳал бўлиши амалиётда кузатилган. Буни турли бозор моделлари амал қилаётган мамлакатлардаги иқтисодиёт ва ижтимоий тараққиёт ўртасидаги боғлиқлик мисолида кўриш мумкин (1-жадвал).

Кўриниб турибдики, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти

шароитида эркин бозор иқтисодиётига нисбатан ижтимоий кафолат кўринишлари салмоқлироқ ўринга эга бўлади. Ўзбекистоннинг ижтимоий йўналтирилган бозор йўлини танлаганлиги ва бунда тўплаган маълум бу тажрибалари шу маънода оқилона ижтимоий сиёсат қарор топаётганлигини кўрсатади.

1-жадвал

Ижтимоий ривожланишнинг бозор иқтисодиёти моделларига боғлиқлиги

1971-1990-йилларда ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар	Ижтимоий бозор иқтисодиёти (Германия, Австрия, Голландия, Скандинавия)	Эркин бозор иқтисодиёти (АҚШ, Австралия)
Ишсизлик даражаси	3,3	7,3
Инфляция даражаси	6,0	8,4
Иш ҳақининг реал ўсиши	1,8	1,5
Аҳолининг даромад жиҳатидан 20% бой қатламининг 20% камбағал қатламига нисбатан нотенглиги.	5,6	8,9
Джини коэффиценти	0,230	0,325

Ўз навбатида ижтимоий соҳанинг аҳволи тўғрисида умумий жаҳон стандартлари нимадан иборат, деган савол туғилади. Мутахассислар фикрича, бу соҳада ҳам бу неча моделлар амал қилади. Уларни умумий тарзда ижтимоий кафолат тизимининг айрим элементларини ўзида ифода этувчи Скандинавияча модел, Бисмарк модели ва Бевериж модели тариқасида таснифлаш мумкин. (2-жадвал)

2-жадвал. Бозор муносабатлари шароитида ижтимоий ҳимоя моделлари.

Скандинавияча модел (Финляндия, Швеция, Норвегия)	Бисмарк модели (Германия, Италия, Франция, Белгия)	Бевериж модели (Ирландия, Англия)
Асосий қондаси:	Асосий қондаси:	Асосий қондаси:
Мамалакатларда яшовчи барча фуқаролар ижтимоий таъминланиш ҳуқуқига эга	Жамият аъзоларига ижтимоий таъминот учун зарур воситаларни ишлаб топишга имконият бериш	Ҳар бу фуқаро фавқулотда ҳолатларда (касаллик, нафақа ёши, ўлим, туғиш ва ҳк) ижтимоий суғуртали нафақа ва пул ёрдами билан қамраб олиниши зарур
Бош сиёсий мақсад тўла- тўқис бандлиликка эришиш (давлат масъулияти)	Бош сиёсий мақсад даромадларни ҳимоялаш (ҳодим масъулияти)	Бош сиёсий мақсад минимал даражадаги даромадларни ҳимоялаш

2.2. Корея Республикасида ижтимоий ҳимоя сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари

Инсоннинг барча қобилиятлари орқали жамиятга фойда келтириши кўп жиҳатдан унинг ҳаёти қандай таъминланганлигига боғлиқ. Даставвал ҳар бир оила ўз турар жойига эга бўлиши керак. Аҳолини тоза ичимлик суви таъминлаш, қишлоқ жойларни газлаштириш каби мураккаб муаммоларнинг ҳал қилиб борилиши ҳам инсонга муносиб ҳаётни таъминлашга қаратилгандир.

Баҳоларни эркинлаштириш, савдо тизими ва маиший хизмат соҳасининг бир маромда хусусийлаштириб борилиши ҳам инсон манфаатларига зид келмайдиган тарзда амалга оширилиши лозим. Истеъмол молларининг кўпини ўзимиз етиштиришни таъминлаш учун маҳаллий ишбилармонларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилиши, янги иш ўринларини ташкил этиш, қишлоқ жойларда савдо шаҳобчалари ва маиший хизмат муассасаларини кўплаб барпо этиш ана шу мақсадларга олиб борадиган йўлдир.

Жанубий Кореяда хусусийлаштириш жараёнларининг бориши ва хўжалик юритувча субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича таркиби, истеъмол молларни ишлаб чиқариш соҳасидаги ютуқларга эътибор берадиган бўлсак, республикада эркинлаштириш жараёнлари аниқ мақсадда амалга оширилаётганлигининг гувоҳи бўламиз

Шуниси аниқки, ҳар бир етук жамият учун инсон энг олий мақсад ҳисобланади. Инсонни улуғламай, унинг кадр- қимматини ўз ўрнига қўймасдан туриб демократик ва одил жамиятни барпо этиб бўлмайди Жанубий Кореяда инсон манфаатларига эътиборнинг ошиб бораётганлиги ҳам ижтморий кафолатларни давр талаблари даражасига кўтаришга бўлган уринишларни тўлдиради.

Жанубий Кореяда бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитда аҳолини ижтморий ҳимоялаш сиёсатини олиб боришда ва бу тамойилни янада ривожлантириш ва такомиллаштиришда, унинг янада аниқ мақсадли ва адресли йўналтирилишида дунёдаги тараққий этган давлатларнинг бу соҳадаги тажрибаларини ўрганиш, таҳлил этиш ва уларнинг ижобий ютуқларидан амалда фойдаланиш, баъзи элементларини миллий қадриятларига ва хусусиятларига мос равишда тадбиқ этиш масалалари Жанубий Кореянинг жаҳон ҳамжамиятига янада жадалроқ кириб боришига (интеграциясига) сабаб бўлади.

Маълумки, Жанубий Кореянинг ижтморий-иқтисодий ривожланиш даражаси, унинг ишлаб чиқариш ресурслари билан таъминлаш имкониятлари бошқа Шарқий Осиё мамлакатларига нисбатан анча юкори. Бу табиий

равишда шунга олиб келадики, Жанубий Кореяда саноат товарлари ва озиқ-овкат маҳсулотларига шаклланган нархлар бошқа мамлакатларга нисбатан паст булди. Натижада Жанубий Корея истеъмоли бозорининг муътадил фаолият курсатиши, товар ва маҳсулотлар тақчиллигининг янада чуқурлашуви учун реал хавф-хатар вужудга келди. Бу эса истеъмол бозорини химоя қилиш бўйича зарурий чора-тадбирлар қабул қилишни шарт қилиб қўйди. Бундай чора-тадбирлар қуйидаги йўналишларда қабул қилинди:

1. бож назоратини жорий қилиш ва мамлакатдан чиқарилаётган товарларга бож туловлари белгилаш;
2. Жанубий Кореядан маҳсулотлар ва товарлар чиқариш шароитларини тартибга солиш;
3. Жанубий Корея ички бозорида куп турдаги халқ истеъмоли молларини сотиб олишга талон ва купон тизимларининг жорий қилиш;
4. импорт товарлар киритишни тартибга солиш.

Бу барча чора-тадбирлар муайян даражада Жанубий Корея халқ истеъмоли товарлари бозорини химоя қилишга имконият яратди. Бу эса ўз навбатида аҳолининг ижтимоий химоя қилинганлигини ҳам билдирар эди.

Жанубий Кореянинг иқтисодий ютуғи корейс халқининг ҳормай-толмай, ғайрат билан қилган меҳнатининг, шунингдек ўзоқни кўра биладиган корхона эгаларининг таваккал қилишга тайёрлигининг, ҳукуматнинг керакли пайтда сиёсий тадбириларни ўз вақтида қабул қилиши ва уларни самарали амалга оширишнинг натижаси ҳисобланади.

Корея индустрлаштиришнинг кескин сиёсати кейинги ўн йилликда тенгсиз равишда иқтисодий юксалишга олиб келди. Лекин аҳолининг ижтимоий ҳимоясига яқин кунларгача етарли даражада аҳамият берилмай келинди.

Бироқ ижтимоий таъминот дастурини ишлаб чиқишдаги бундай вазминликни иқтисод мавқеини биринчи ўринга қўйиш ёки ҳукуматнинг эътиборсизлиги деб таърифлаш керак эмас. Бу вазминлик инсоний орийатнинг асосий тамойили юзага чиқиши билан боғлиқ хусусиятдир.

Шунга кўра ҳар бир ўғил ўз ота-онасини таъминлашга масъулдир.

Корея шаҳарларида кўп оилали оилалар ҳам, катта ёшдаги оилалар ва кекса ота-оналар ҳам бу-бирларидан алоҳида яшайдилар. Шунга қарамай, Кореяда оила аъзолари ёки канридош-уруғлардан бири оғир аҳволга тушиб қолгудек бўлса, бир-бирларига ёрдамлашадилар. Бу ерда “катта оила” концепциясига асосланган оилавий ҳамкорлик ҳисси туфайли муҳтож кишиларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қуватлашга кучли аҳамият берилади. Бу ҳамкорликни сақлаш ва рағбатлантириш учун Корея ҳукумати томорнидан кексайган ота-оналарга қараб турган шахсларга имтиёзли солиқ ва бошқа енгилликлар жорий қилинган.

Жанубий Кореядаги қарияларнинг ҳаётий фаолиятида ҳам бошқа барча мамлакатлардаги муаммоларга дуч келамиз: моддий ҳолатнинг етарли даражада эмаслиги, касалликлар, ёлғизлик, ташлаб қўйилганлик ва керак эмаслик ҳисси, руҳий ва бошқалар. Аммо бу муаммоларнинг қай даражадалиги бир қанча омилларга боғлиқ, яъни уларнинг ҳал қилиш бўйича пухта ўйланган давлат сиёсатининг мавжудлиги, бу сиёсатнинг замонавий талабларга мос келиши, бу муаммоларни ҳал этишга нодавлат ташкилотларининг, фуқаролик жамияти институтларининг қай даражада жалб этилганлиги, мамлакатга қарияларга нисбатан қулай маънавий-психологик муҳитнинг шакллантирилганлиги, бундай категориядаги аҳолига нисбатан маданиятли муносабатда бўлиш борасида тарғибот ва тарбиявий ишларнинг йўлга қўйилганлигига боғлиқ.

Корея Республикасида долзарб муаммоларнинг бири аҳоли орасида қариялар сонининг ортиб боришидир. Қариялар сони ортиб бораётган жамиятда уларга сарфланадиган харажатлар демографик тузилма билан чамбарчас боғлиқ. Бундай харажатларни ортиб бориши иқтисодиётга инвестициялар жалб қилиш имкониятларини пасайтириб юборади, бу эса мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида у ёки бу муаммоларни келтириб чиқаради. Бошқача қилиб айтганда, бу тоифа аҳолининг кўпайиб бориши нафақат иқтисодий тараққиётнинг, балки миллий даромаднинг ўсишини ҳам

секинлаштиради. Шунинг учун аҳолининг “қариб бориши” муаммосини фақатгина демографик томондан эмас, балки ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий нуқтаи назардан ҳам қараб чиқиш зарур.

“Корея аҳолисининг замонавий ҳолати ҳақидаги доклад” маълумотларига кўра, 2000 йил 1 июл ҳолатига ушбу мамлакатда 65 ёшдан ошганлар сони 3 млн. 371 мингга етди, бу жами аҳолининг 7 фоизини ташкил этади. Аҳолисининг 7 фоиздан ошиғини қариялар ташкил этадиган жамият “қариётган”, 14 фоиздан ошса “қари”, 20 фоиздан ошганда эса “ўта қари” ҳисобланади. Аҳолининг ўсиш суръатини эътиборга оладиган бўлсак, мамлакатнинг аҳолисининг 65 ёшдан ўтган қисми 2022 йилда 14,3 фоизга етиб “қари” жамиятга, 2032 йилда эса “ўта қари” жамиятга айланади. 2000 йилда ҳар 100 кишидан 7 таси, 2010 йилда ҳар 10 таси ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлса, 2030 йилга 30 тага етади.

Дарҳақиқат, бу муаммони ҳал этиш учун давлат томонидан демографик структурага мос келувчи ва аҳолининг қариб боришига тўсқинлик қилувчи туғилишлар сонининг кўпайишини рағбатлантирилишини назарда тутувчи демографик сиёсат ишлаб чиқарилиши жоиз. Тўғри амалга оширилган демографик иқтисодиётда ресурсларнинг рационал тақсимланишига ёрдам беради.

Қариялар нафақат мураккаб муаммоларни келиб чиқишига сабабчи бўлади, балки уларни ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан олиб қараганда камситилиши муаммосига ҳам олиб келади. Бошқаларга боғлиқ ҳолда ҳаёт кечирувчи қарияларнинг турли ресурсларга бўлган имкониятлари чекланган бўлиб улар камбағаллик муаммосини бошидан кечирадilar. Қариш муаммоси иқтисодий харажатларнинг ортиб бориши ва мавжуд ресурсларнинг камайиши билан боғлиқ ижтимоий конфликтларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Бундан ташқари қариялар сонининг ортиб бориши натижасида ижтимоий кескинлик ҳам юзага чиқади.

Бошқа томонда олиб қараганда, аҳолининг қариб бориши фақат негатив ҳолат эмас, зеро бу тоифадаги аҳоли сиёсий жиҳатдан жамиятнинг таянчи

бўлиши мумкин, яъни улар мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида етакчи куч бўлиш имкониятига эгалар. Бу тоифа аҳолининг ортиб бориши уларнинг бирлашишига ҳамда жамиятдаги нуфузли куч ёки босим гуруҳи сифатида ҳаракат қилишига олиб келиши мумкин. Мисол учун АҚШда “Оқсоч пантералар” гуруҳи уларнинг сиёсий таъсирининг кучайиб кетишига сабабчи бўлган. Бундан ташқари қариялар сонининг ортиб бориши қолок ижтимоий таъминот институтларини яхшилаш имкониятини беради.

Жанубий Кореяда аҳоли таркибида қариялар сонининг ортиб бориши, уларнинг ижтимоий таъминоти, саноатлаштириш ва урбанизациянинг ривожланиб бориши билан боғлиқ равишда уларга ҳаётининг фаолиятларида қулай ижтимоий-руҳий шарт-шароитлар яратиш муаммолари давлатдан ва бошқа субъектлардан мос ижтимоий-сиёсий тадбирлар мажмуасини амалга оширишни талаб қилади.

Япониянинг урушдан кейинги йиллардаги улкан муваффақиятларидан сўнг Шарқий Осиёнинг “тўрт йўлбарс”и Жанубий Корея, Сингапур, Гонконг ва Тайваннинг эришган иқтисодий ютуқлари кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Ушбу мамлакатлар ва кейинчалик Индонезия, Малайзия ва Таиланд Шарқий Осиёни глобал иқтисодий ўсишнинг асосий локомотивларидан бирига айлантирди.

Иқтисодий тараққиёт бу мамлакатларга, жумладан Корея Республикасига мамлакатни бошқа соҳаларда, энг аввало, ижтимоий таъминот соҳасида ҳам ривожлатириш имкониятини берди.

Жанубий Кореянинг ижтимоий сиёсат соҳаси жаҳон ҳамжамиятини ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб қизиқтириб келмоқда. Мамлакатнинг ички тараққиётидаги асосий устунлик ижтимоий ҳамжиҳатлик бўлиб, бу тезкор суръатлардаги иқтисодий тараққиётга олиб келди. Бу эса мамлакатда рационал ижтимоий сиёсат олиб боришга мустаҳкам замин яратди. Кореяда ушбу даврда солиққа тортиш даражаси ва давлат харажатлари нисбатан паст миқдорда ушлаб турилди, энг асосийси ички ижтимоий-сиёсий барқарорлик

сақланди. Бу омиллар Жанубий Кореяга ижтимоий ривожланиш соҳасида улкан ютуқларга эришиш имкониятини берди.

Ўтган асрнинг 70-йилларида АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларида олиб борилаётган ижтимоий сиёсат танқидга учрай бошлади, натижада эркин рақобат тарафдорларига имконият пайдо бўлди. Айнан ана шу даврда ғарбликлар ўзларига Шарқий Осиёни очишди, зеро бу ҳудуд «laissez faire» сиёсати учун намуна сифатида олинishi мумкин эди. Бошқа томондан барчани бу мамлакатлардаги ижтимоий сиёсатнинг маданий жиҳатлари қизиқтириб қолган эди. .

Шарқий Осиё мамлакатлари, жумладан Жанубий Кореянинг ижтимоий сиёсат соҳасидаги тажрибисига қизиқиш қанчалик юқори бўлмасин, ижтимоий сиёсатнинг ягона моделини шакллантириш бўйича концептуал-назарий миқёсдаги ишлар ўз якунига етмаган.

Бир гуруҳ омиллар бу муваффақиятлар негизида маданий омил ётади деб ҳисоблашса, бошқалар “эволюцион ёндашув”, яъни ижтимоий сиёсатнинг умумий иқтисодий тараққиётга бўйсундирилгани омили муҳим деб ҳисоблайдилар.

Жанубий Кореяда ижтимоий сиёсат иқтисодий ўсиш суръатларини ушлаб туришда инструмент ролини бажарган десак, хато қилмаймиз. Масалан, солиқ юки ва иш ҳақининг паст даражаси ва иш вақтининг нисбатан узоқлиги ишлаб чиқариш харажатларини пасайтиришни таъминлаган, бу эса мамлакатнинг экспортга йўналтирилган тармоқларни тез ривожланишига замин яратган.

Ижтимоий таъминотнинг дастлабки босқичида асосий мақсад уларнинг иқтисодий иштирокини рағбатлантириш, таълим, соғлиқни сақлаш ва уй-жой билан таъминлаш соҳаларида давлат харажатларини кўтаришдан иборат бўлган. Бошқа тарафдан эса, касаба уюшмаларини тинчлантириш ва уларнинг мамлакатнинг ички тараққиётига таъсирини камайтиришга ҳаракат қилинган.

Буларнинг барчаси Корея Республикасида ижтимоий барқарорликка эришиш ва иқтисодий тараққиётда илгариланма ҳаракатланиш кафолатини берди. Шундай қилиб, иқтисодий ривожланиш ва саноатлаштиришнинг устуворлиги ижтимоий соҳани инвестициялаш заруриятини ўртага ташлади.

Хулоса қилиб айтганда ана шу икки омил Жанубий Корея ижтимоий сиёсати моделининг бирлаштирувчи ва интеграциялаштирувчи унсурига айланди. Унга кўра ижтимоий сиёсатнинг асосий жиҳатлари қуйидагилар: давлат харажатларининг минимал даражаси, меҳнат бозорининг эгилувчанлиги, ижтимоий таъминотнинг аҳолининг маълум бир гуруҳига йўналтирилганлиги.

Кристиан Аспалтернинг фикрича, Жанубий Корея ижтимоий сиёсатининг муваффақиятида мамлакатдаги консерватив партияларнинг етакчи роли билан изоҳланиши мумкин, яъни ҳукуматда ижтимоий ташкилотларда кўп ўринга эга бўлиш мақсадида партия раҳбарлари ижтимоий соҳани ривожлантиришга мажбур бўлишган.

Жанубий Корея ижтимоий сиёсати ривожини қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин:

1960-йилга бошланиб 20 йил давом этган дастлабки босқич. Бу босқич асосан минимал даражадаги ижтимоий таъминот ва ижтимоий соҳанинг секин ривожланиши билан тавсифланади. Германия тажрибасидан фойдаланганлиги сабабли Жанубий Кореяда ижтимоий таъминот ижтимоий суғурталаш тамойилларига асосланилдики, унга кўра қоплаш кўлами ва давлат харажатлари нуктаи назаридан ижтимоий таъминот бирмунча чекланган.

1980-йилдан бошланган ижтимоий таъминотни кенгайтириш ва ижтимоий сиёсатни фаоллаштириш босқич. Бу босқичнинг муҳим хусусиятларидан бири Осиё молиявий инқирози туфайли ижтимоий таъминот қайта кўриб чиқилди ва янада кенгайтирилди, яъни ижтимоий таъминот сифат ва миқдор жиҳатдан сезиларли даражада кенгайди, прогрессив ислохотлар олиб борилди.

Мамлакатда хавфсизликнинг ижтимоий тармоғини таъминлаш бўйича сезиларли ютуқларга эришилди, нафақа, соғлиқни сақлаш ва ишсизлик бўйича моддий ёрдамни ижтимоий суғурталаш дастурлари кенгайтирилди, ижтимоий шартномалаштириш бўйича қатор ислохотлар ўтказилди. Бундан ташқари ижтимоий сиёсатни демократлаштириш ва уни шакллантиришга оммани жалб қилиш бўйича кўплаб ишлар олиб борилди. Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя соҳаларини ривожлантиришга давлат харажатлари ялпи ички маҳсулотнинг 11 фоизига етди.

2.3. Корея Республикасида ижтимоий ҳимоя сиёсатида давлатнинг ўрни ва аҳамияти

20-асрнинг иккинчи ярмига келиб бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг ижтимоий функциялари кенгайиб борди. Бу эса ялпи миллий маҳсулотда давлат харажатлари улушининг ортиб боришига олиб келди.

Ижтимоий сиёсат ва ижтимоий таъминотнинг асосий субъекти сифатида давлатнинг роли бир қатор омиллар билан изоҳланади:

- Давлат жамиятни бошқариш билан шуғулланувчи марказий сиёсий институт саналади. Унинг қарорлари барча фуқаролар, институтлар ва ташкилотлар учун мажбурийдир. Фақатгина давлат қонунлар, қарорлар чиқариши мумкин.
- Давлат меҳнатга яроқли аҳолини фаоллаштириш учун қулай шарт-шароитлар яратиши мумкин.
- Давлат ишлаб чиқариш, истеъмолни тартибга солиш, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, текин ижтимоий хизматлар, имтиёзлар орқали даромадни қайта тақсимлаш дастурлари яратиши, айрим ҳудудлар ёки аҳолининг алоҳида қатламини қўллаб-қувватлашни назарда тутувчи дастурлар ишлаб чиқишда устуворликка эга.
- Таълим, маданият, соғлиқни сақлаш соҳаларининг тижоратлашуви имкониятларининг чегараланиши эса бу соҳаларни давлат

томонидан йўналтирилган молиялаштиришни ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни талаб қилади.

- Бандлик даражаси, инфляция, миграция, қамбағаллик кабиларни назорат қилишда ҳам давлатнинг роли муҳим.
- Давлат ишлаб чиқаришни рағбатлантиришнинг иқтисодий дастакларини бузмаган ҳолда маълум чегарада ижтимоий хизматлар таъминотига аралашishi мумкин. Аралашмаслик эса бир қатор муҳим ижтимоий ҳаражатларга, салбий оқибатларга олиб келиши мумкин, масалан, товарлар, хизматлар сифатининг пасайиб кетиши, гиёҳвандлик, алкоголь ичимликларга ружу қўйиш ва бошқалар.

Давлат томонидан ижтимоий сиёсат ва ижтимоий таъминотни субъектлаштиришни талаб қилувчи яна бир муҳим омил борки, бу омил эркинлик ва тенглик, иқтисодий самарадорлик ва ижтимоий адолат ўртасидаги мувозанатни топа билиш муаммосидир. Бу муаммони идеал равишда ҳал этиш имконияти деярли йўқ, бу худди маятникка ўхшайди. Аҳолининг юқори даромадли қатлами моддий ҳолатига зарар етказиш ҳисобига жамият бойлигини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш орқали кам таъминланган аҳоли қатлами қўллаб-қувватланса, ишлаб чиқариш камаяди, ишлаб чиқариш самарадорлиги тушиб кетади, иқтисодий фаоллик сусаяди, ва аксинча бўлиши мумкин. Давлат жамият эҳтиёжларини қондиришда шундай иқтисодий ва ижтимоий тамойилларга асосланиши керакки, давлат аралашуви дастаклари ва бозор монополияси дастакларидан фойдаланиш минимал даражада бўлсин.

Бугун дунёнинг ривожланган демократик мамлакатлари ҳаётида, давлат бошқарувида сиёсий партиялар муҳим ўрин тутади. Давлатнинг стратегик ривожланиш режалари бевосита сиёсий партияларнинг таклифлари, ўзаро курашлари воситасида шаклланади. Таҳлилчиларнинг фикрича, айти пайтда жаҳонда социал ғояларни илгари сураётган, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, иш ўринлари ташкил этиш, ёшларни иш билан таъминлашни

Ўзининг бош вазифаси сифатида қараётган сиёсий партиялар парламентда кўпчилик ўринни эгаллаб, ҳукуматни бошқараяпти.

Буни Жанубий Корея сиёсий партиялари, парламенти фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин. Ушбу мамлакатдаги партияларнинг умумий хусусиятларидан бири шундаки, улар доимий дастур ва сайловолди платформасига эга эмас. Партиялар мамлакатда ҳукм сураётган мавжуд вазият, сайловчилар талаблари асосида ўз дастурларини тез-тез ўзгартириб туради. Айрим партиялар муайян маъмурий ҳудуд доирасида тузилади. Қизиқ томони, Жанубий Кореяда сиёсий етакчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳам сиёсий партиялар ташкил этилган. Бу давлатда либерал партия социал ғояларни илгари суриши ёки аксинча бўлиши ҳам мумкин.

Таҳлилчилар фикрига кўра, бундай ўзига хос тартиб дунё тажрибасида кам кузатилишига қарамасдан, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Бу фикр ҳаётий асосларга эгалиги Жанубий Корея иқтисодиётининг юқори суръатларда, барқарор ривожланиб бораётганида намоён бўлмоқда. Яъни, турли партиялар хилма-хил дастур ва ғояларни илгари сураяпти. Бу сайловчиларга энг зўр ғоялар, энг кучли етакчиларга овоз бериш имкониятини берапти.

Жанубий Корея Миллий Ассамблеяси (бир палатали парламент) бўлган сўнгги сайловлар ҳам буни исботлади. 2012 йилда ўтказилган мазкур сайлов натижаларига кўра, «Сенури» партияси фракцияси энг кўп 152 ўринга эга бўлиб, мамлакатда энг етакчи партия мақомини сақлаб қолди. Ажабланарли томони, аслида либерализм ғоялари тарафдори бўлган ушбу партия бу галги сайловда асосан ижтимоий ҳимояни кучайтиришга қаратилган ғояларни илгари сургани, ижтимоий масалаларни кўтариб чиққани учун ҳам юқори натижага эришди. «Сенури», энг аввало, аҳолига янги иш ўринлари яратиш, мамлакатда техника ва технологияларни ривожлантириш, таълим тизимини такомиллаштириш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ишларни устувор масала сифатида

кўтариб чикди. Айтиш керакки, бундай ғоялар одатда либерал партиялар дастурларида кам учради.

Таъкидлаш керакки, либераллар партияси 2004 йилдаги сайловларда Миллий Ассамблеяда 42 та ўринни қўлга киритган эди. Аммо сўнгги икки сайловда (2008-2012 йилларда) либералларнинг жиддий мағлубиятга учраганини кўриш мумкин. Халқаро сиёсатшуносларнинг таъкидлашича, дунёда юз бераётган молиявий-иқтисодий инқироз, ишсизликнинг ошиши, либераллар боши берк кўчага кириб қолгани бунга асосий сабаб бўлмоқда.

Жанубий Корея фуқаролари кўпроқ социал-демократик ғоялар учун овоз бериши, уларни амалга оширилишини қўллаб-қувватлаши маълум бўлди. Қатъий либерал характердаги ғояларни илгари сурган Либерал партия сайлов натижаларига кўра, парламентдаги 300 та ўриндан бор-йўғи 6 тасига эга бўлди.

Социал ғояларни илгари сураётган Бирлашган демократик партия ҳам мамлакатда етакчи сиёсий партиялардан бири ҳисобланади. Парламентда бўлган сўнгги сайловда ушбу партия 128 ўринни эгаллади. Партия ғоясининг муҳим жиҳати аҳолининг эҳтиёжманд вакиллари қўллаб-қувватлаш, давлат бюджетининг асосий қисмини ижтимоий соҳага йўналтириш ҳисобланади. Алоҳида таъкидлаш лозимки, ижтимоий кўмакка муҳтож, бозор иқтисодиёти шароитида тенг имкониятларга эга бўлмаган кишиларни ҳимоя қилиш фуқаролар ўртасида ижтимоий бирдамлик мустаҳкамланишида муҳим ўрин тутгани боис, кўпчилик сайловчилар мазкур партияга овоз берди.

Умуман, Жанубий Кореяда 6 та етакчи сиёсий партия парламентда энг кўп ўринларни банд этиб келмоқда. 2012 йилнинг 11 апрелида ўтказилган сайловлардан сўнг янги таркибдаги парламент 2012 йилнинг 28 июнида ўз ишини бошлаган.

Корея Республикаси ижтимоий сиёсатида икки асосий йўналишни ажратиб кўрсатиш мумкин: аҳолини ижтимоий таъминлаш ва давлат ижтимоий кафолатлари. Ижтимоий таъминот пенсия таъминоти, нафақалар билан таъминлаш, аҳолининг айрим табақалари учун белгиланган имтиёзлар

ва компенсациялар тизими ва ижтимоий хизмат кўрсатишни ўз ичига олади. Иккинчи йўналиш эса жамиятнинг бир меъёрида ривожланишини, яъни соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва соғломлаштириш, шунингдек, тураржойга эга бўлиш ҳуқуқини таъминлаш билан боғлиқ.

Корея Республикасида ижтимоий муҳофаза ижтимоий кафолатлар асосига қурилган. Улар ҳам муайян тизимдан иборатдир. Кафолатлар қуйидагиларни амалга оширади:

- иш кучи бозорини унинг талаб ва таклиф ўртасида вужудга келадиган зиддиятларни юмшатиш орқали тартибга солиш;

- меҳнатга қобилиятли барча жамият аъзоларининг иш билан банд бўлишига кўмаклашиш (ҳеч ким ўз хоҳишига зид ўлароқ ишсиз қолиши мумкин эмас);

- меҳнатга қобилиятли барча аҳоли қатламларига таяниши, айниқса ишга муҳтожларга эътиборни қаратиш.

Жанубий Кореяда давлат ижтимоий таъминоти ва суғуртасининг қуйидаги турлари мавжуд:

- давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар ва бошқа ижтимоий нафақалар;

- давлат пенсия таъминоти;

- уй-интернатларда кекса ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга қараш ва хизмат кўрсатиш;

- болалар уйлари, интернатлар ва бошқа муассасаларда болаларга қараш ва уларни тарбиялаш;

- ногиронларни ишлаб чиқариш ва касбий реабилитация қилиш;

- уйларда ижтимоий хизмат кўрсатиш ва бошқалар.

Тўла маънода олганда, ижтимоий муҳофаза қуйидаги йўналишларда олиб борилади:

- жамият аъзоларига кун кечириш учун зарур нарсаларнинг энг кам миқдорини таъминлаш ва муҳтожларга моддий ёрдам кўрсатиш, турмуш даражасини пасайтириш омилларидан муҳофаза қилиш;

- фуқароларнинг ўзлари учун қонунга зид келмайдиган ҳар қандай йўллар билан тирикчилик воситаларини ҳеч бир тўсиқсиз ишлаб топишлари учун имкон берадиган шарт-шароитлар яратиш;

- фуқароларнинг таълим, тиббий ёрдам ва шу кабиларга бўлган эҳтиёжларини қондиришни таъминлайдиган шарт-шароитлар яратиш, бунда жамият имкониятлари ва ўзига хос миллий-тарихий хусусиятларни ҳисобга олиш;

- ёлланиб ишлаётганларга қулай шароитларни таъминлаш, уларни саноат ишлаб чиқаришининг салбий таъсир кўрсатишидан муҳофаза қилиш;

- фуқароларни жиноий ҳамлалардан ҳимоя қилиш;

- қуролли ижтимоий ва миллатлараро низоларга барҳам берувчи шарт-шароитлар яратиш;

- маънавий ҳаёт эркинлигини таъминлаш, мафкуравий тазйиқлардан муҳофаза қилиш;

- умуман, жамиятда, айрим ячейкалар ва таркибий бўлинмаларда қулай психологик иқлим яратиш, психологик тазйиқ ўтказишдан муҳофаза қилиш.

III БОБ. КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ СИЁСАТИДАН ЎЗБЕКИСТОНДА ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНияТЛАРИ

3.1. Корея Республикаси амалга оширилган иқтисодий ислохотларнинг мамлакатдаги ижтимоий муҳитни ривожлантиришдаги роли

Жанубий Кореянинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётида давлатнинг роли жуда катта бўлди. Бу мамлакатда саноатни ривожлантириш стратегиясини айнан ҳукумат ишлаб чиққан. Бунда мамлакат ҳукумати қулай макроиқтисодий муҳитни яратиш, таълим ва инфратузилмани инвестициялаш билан бир қаторда «ғолибларни саралаш» сиёсатининг инструментлари — юқори импорт тарифлари, экспорт субсидиялари шунингдек, хорижий технологиялардан текин нусха кўчириш кабилардан фойдаланишди.

Шундай бўлса-да, иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида давлат саноат сиёсати олиб борилгани йўқ, бу сиёсат олиб борилган барча тармоқларда катта муваффақиятга эришилмади.

Корея мамлакатининг иқтисодий ривожланиш омилларини баҳолар эканмиз, Ғарб мамлакатлари, айниқса, АҚШ томонидан “совуқ уруш” даврида кўрсатилган салмоқли ёрдамни ҳам эътибордан қочирмаслик керак. Бу ёрдам саноат сиёсатининг дастлабки босқичларини амалга ошириш даврида Шарқий Осиёнинг кўпгина мамлакатлари ҳукумат раҳбарларига устувор тармоқларни кенг кўламда инвестициялаш дастурларини амалга ошириш имкониятини берди.

Давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш Корея Республикаси иқтисодий тарихида энг асосий масалалардан бири саналади. Давлатнинг мамлакат иқтисодий тузилмасидаги ўрни шунчаликки, давлат механизми функцияларининг ўзгариши бутун хўжалик тизими фаолиятига тўғридан тўғри таъсир кўрсатади. Шундай бўлса-да, Жанубий Корея ҳукумати давлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда чора-тадбирларни

амалга оширар экан, иқтисодий тизимнинг икки бўғини давлат ва хусусий бизнес ўртасида ўзаро муносабатларда маълум бир мувозанатни ҳамиша сақлаб туради.

Ҳукуматнинг баъзи чора-тадбирлари иқтисодий ривожланиш учун самарали таъсир ўтказган бўлса, бошқа бирлари салбий таъсир этган ҳоллар ҳам учраб туради. Фавқулодда вазиятларда, ташқи иқтисодий вазият мамлакат учун ўта оғир вазиятлар келтириб чиқарганда, давлат механизми юзага келган инқирозлардан олиб чиқиш учун энг тўғри қарорларни ишлаб чиққан.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Жанубий Кореяда амалга оширилган капиталистик модернизациялаш давлат томонидан тартибга солишни шакллантириш ва такомиллаштириш билан узвий боғланган. Хусусий капиталистик базанинг камсонлилиги ва тор кўламлилиги иқтисодий ривожланишнинг мувофиқлаштирувчи ва йўналтирувчи кучи сифатида ана шундай тизимни яратиш ва ундан фойдаланишга туртки бўлди.

Иқтисодиётни давлат томонидан бошқаришнинг шаклланиши ва ривожлантирилиши жараёнини шартли равишда беш босқичга бўлиш мумкин.

Биринчи босқич Ли Син Ман президентлиги даври (1948-1960 йиллар)га мос келади. Бу даврда давлат сектори ташкил топди ва унинг ривожига катта эътибор қаратилди. Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви ва унинг бевосита тадбиркорлик фаолияти қонуний тус олди. Дастлабки стратегик режалар ва дастурлар ишлаб чиқиш йўли билан иқтисодий ҳаётни мувофиқлаштиришга дастлабки ҳаракатлар амалга оширилди. Бу режа ва дастурлар ислохотлар ўтказиш билан мустаҳкамландики, бу ислохотларнинг кўпчилиги мамлакатнинг бўлғуси тараққиётини белгилаб берди.

1950 йилларгача ўтказилган аграр, маъмурий, таълим ислохотлари капиталистик жамиятнинг шаклланишига дастлабки туртки бўлди. Бу йилларда бир қанчи вазирликлар ва бошқа расмий ташкилотлар ташкил этилдики, улар иқтисодий ривожланишни, иқтисодий институтлар ва

хусусий шахслар фаолиятини давлат томонидан мувофиқлаштириш ва назорат қилиш каби бошқариш функциялари берилди.

Бу босқич мамлакат тарихига импорт ўрнини қоплашга асосланган ривожланиш курсини синаш даври бўлиб кирди. Бу даврда давлат асосан йирик бизнесни қўллаб-қувватлашга урғу берди. Бунда асосий эътибор иқтисодий аниқлаштиришнинг молиявий дастакларига қаратилди: устувор тармоқларга субсидиялар, солиқ имтиёзлари бериш, бошқа соҳаларга эса кредитлар беришни чеклаш, солиқ юкини ошириш кабилар.

Иккинчи босқич Пак Чон Хи маъмурияти ҳукумат тепасида бўлган давр (1961-1979 йиллар)ни ўз ичига олади. Бу даврда мобайнида қўйилган мақсадни амалга оширишга эришилди ва жуда қисқа вақт давомида миллий ишлаб чиқаришга экспортни ривожлантириш моделини жорий қилиш орқали улкан иқтисодий ривожланишга эришилди. Бу ерда гап маълум турдаги маҳсулотларни ташқи бозор учун ишлаб чиқариш ҳақида бормоқда. Биринчи навбатда, қайта ишлаш саноатини ривожлантириш устувор саналди. Бу даврда иқтисодий тўлиқ давлат томонидан бошқариш ўта ривожланди. Иқтисодий режалаштириш маъмурият томонидан қўллаб-қувватланди. Ривожланишнинг бош йўлини вазирликлар ва уюшмалар ўртасида мувофиқлаштириш жараёнида ягона ёндашув ва истиқболдаги режанинг биргаликдаги варианты ишлаб чиқилди. Барча иқтисодий субъектлар – давлатдан тортиб хусусий бизнесгача ана шу ягона режага мослашиши талаб қилинди.

1962 йилда Жанубий Корея республикасининг биринчи беш йиллик иқтисодий тараққиёт режаси қабул қилинган бўлиб, бу режа давлатда радикал иқтисодий ислохотларни ўтказишнинг бошланиши ва асоси бўлди. Бунгача давлат ўн йил давомида Шимол ва Жануб ўртасида Корея урушининг оқибатида юзага келган вайронагарчиликни тиклаш билан овора бўлди.

Ялпи миллий маҳсулот Жанубий Корея республикасининг 1962 йилда 2,3 млрд. АҚШ долларини ташкил этар, аҳоли жон бошига тўғри келувчи

ЯММ эса 82 долларга тенг эди. ЯММда қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг улуши 37,0 фоизни, қайта ишлаш саноатининг улуши 14,4 фоизни ва хизматлар соҳаси 2,4 фоизни ташкил қилар эди.

Ички товар айланмасининг ҳаммаси 500 млн. АҚШ долларини, экспорт ҳажми эса ЯММга нисбатан атиги 2,5 фоизни ташкил эди. Кореянинг ташқи савдоси кўп йиллар давомида камомадли бўлиб келди, инфляция суръатлари эса бир неча ўн фоизга чиқиб кетган эди.

Мана шундай шароитларда Жанубий Корея Республикаси маъмурияти иқтисодий тараққиётни экспортга қаратиш йўналишидан кетди ва даромадни олиб чиқиб кетиш кафолатланди, ҳукумат давлатга чет эл сармоясини жалб қилишга қаратилган бир неча чора-тадбирларни амалга оширди. Япония билан бўладиган муносабатларнинг тўғриланиши эса япон капиталининг интенсив оқимига ва Жанубий Корея республикаси экспорти учун япон бозорининг очилишига асос солди. Бундан ташқари, Токио Сеулга 20 йил муддатга (1965-1985 йиллар) маъмурий ва хусусий асосда 12 млрд. доллардан ортиқ қарз бериб турди.

1970 йилларда мамлакат иқтисодий тараққиётида сезиларли ижобий силжишлар юз берди, унинг хориждаги нуфузи ошди. Очiq иқтисодиётни яратиш учун ҳаракатлар бошланди. Лекин шу билан биргаликда, бизнеснинг давлат аппаратига тўлиқ бўйсунishi иқтисодиётнинг самарадорлиги ва мослашувчанлигига таъсир ўтказиб келарди. Тадбиркорларнинг, майда ва ўрта бизнес вакиллариининг кўпчилигининг норозилиги кучайиб борарди.

Учинчи босқич сифатида 1980-1987 йиллар (Чон Ду Хван президентлиги даври)ни кўрсатиш мумкин. Бу босқичнинг асосий жиҳати шундаки, янги президент ҳам давлат секторига асосий эътиборни қаратган бўлса-да, бу даврда давлатнинг иқтисодиётга аралашуви камайтирилди.

Бу йилларда Корея Республикаси тараққиётнинг “экспорт” моделига эргашишда давом этди, асосий иттифоқчилар бўлган АҚШ ва Япония эса Сеулни интенсив равишда таъминлаб турдилар. Хорижий капиталнинг оқиб келиши Корея Республикасининг ташқи қарзларини кўпайтирди ва бу

карзлар 1985 йилга келиб 45 млрд. долларга етди, Корея республикаси карзининг катталиги жиҳатидан дунёда тўртинчи ўринга кўтарилди.

Тўртинчи босқич Ро Дэ У давлат бошига келган 1987-1992 йилларни ўз ичига олади. Бу давр иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, давлат аралашувини пасайтириб бориш босқичини бошланиши даври бўлди.

Бешинчи босқич Ким Ён Сам президент бўлган йиллардан бошланди ва кейинги президент Ким Дэ Жун даврида давом этиб, ҳозиргача давом этмоқда. Юқорида айтилган сабабларга кўра, ички ва ташқи сабаблар туфайли бу йилларда давлатнинг иқтисодиётга аралашувини чеклаш давом эттирилди. Ички сабабларга 90-йилларнинг ўрталарида мамлакат иқтисодий ривожланишида пасайиш тенденцияси кузатилганини кўрсатиш мумкин бўлса, ташқи сабаблар сифатида ривожланган мамлакатларда юз бераётган жараёнларнинг таъсирини кўрсатиш мумкин. Жанубий Кореяни жуда кўп кўрсаткичлар бўйича ривожланган мамлакатлар қаторига киритиш мумкин. Бу мамлакатларда эса давлатнинг иқтисодиётга аралашуви минимал даражада. Корея ҳам ушбу давлатлар изидан бориб давлат аралашувини камайитиришга интилмоқда.

Жанубий Кореяда эришилган ютуқларнинг таркибий қисмларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- фаол экспортга йўналтирилган сиёсат;
- чуқур аграр ислохотларнинг ўз вақтида ўтказилиши;
- иқтисодиётнинг етарли даражада эркинлаштирилиши, бунинг натижасида иқтисодий ўсишни давлат корхоналари эмас, балки хусусий корхоналар таъминлайди;
- иқтисодий дастурлар ва давлатнинг иқтисодиётга аралашуви маъмурий мажбуранликка эмас, балки пировард натижалар (экспортнинг ўсиши, самарадорликнинг ортиши ва ҳоказолар) билан боғлиқ бўлган кучли иқтисодий рағбатларга асосланган.

Хулоса қилиб айтганда, Жанубий Корея Республикасида давлат томонидан яратилган иқтисодий ривожланиш моделининг асосий кўрсаткичлари - экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилганлик, жамғармаларнинг молиявий манбаларини сафарбар қилиш, фан ва техникани ривожлантириш ҳамда ишчи кучини тайёрлаш билан бирга фақат муайён макроиқтисодий шарт-шароитлардагина фаолият кўрсатиш мумкин. Бундай шарт-шароитлар қуйидагилардан иборат:

- давлат режалаштирувининг бозор механизми билан уйғунлашиши;
- қишлоқ хўжалигини ривожлантириш;
- аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш;
- даромадларни адолатли тақсимлаш сиёсати.

Жанубий Корея Республикаси иқтисодий тараққиёт моделини тадқиқ этиш бу давлатнинг иқтисодий муваффақиятларининг сабабларини аниқлашга имкон беради. Улар қуйидагилардан иборатдир:

- импорт ўрнини босишда маълум бир даражага эришиш ва мамлакатнинг нисбий устунликларини синчиклаб таҳлил қилиш асосида экспортга йўналтирилганлик стратегиясини амалга оширишга ўз вақтида ўтилганлиги;
- жамғармаларнинг турли молиявий манбаларининг самарали сафарбар қилинганлиги, давлатда яхши инвестицион муҳит яратилганлиги;
- фан, техника ва малакали ишчи кучи тайёрлаш соҳасидаги узоқ муддатли давлат сиёсати;
- етарли миқдорда импорт қилиш орқали аҳолининг озиқ-овқат билан яхши таъминланганлиги ва миллий қишлоқ хўжалигини ривожлантирилиши;
- инфляциянинг тўхтатиб қўйилиши ва индустриялаштириш жараёнида унинг ўсишига йўл қўйилмаслик;
- ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш ва аҳолининг даромадларини адолатли тақсимлаш сиёсати;

- давлатнинг турғунликдаги “Осиёча ишлаб чиқариш” бозор ишлаб чиқариш усулига трансформацияланганлиги.

Жанубий Корея Республикасининг иқтисодий тараққиётидаги кейинги муваффақиятлари илмий, юқори технологик ва капитал талаб қилувчи маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтилганлиги билан боғлиқдир, бу эса Жанубий Корея Республикаси ўтган аср тараққиётининг мантиқий ниҳоясидир. Иқтисодий тараққиётнинг Корея тажрибисидан фойдаланиш эса, шубаҳасиз, ижодий ёндошувни, шу жумладан, бугунги дунёда юз бераётган глобал ўзгаришларни батафсил ҳисобга олишни талаб қилади.

Дастлабки, энг қийин йилларда давлат оғир ва мураккаб функцияни - аҳолининг заиф табақаларини, қолаверса, республиканинг ҳар бир фуқаросини ўтиш даври қийинчиликларидан ижтимоий ҳимоялаш вазифасини ўз зиммасига олди, яъни кучли ижтимоий сиёсатни ўтказилишини таъминалади.

3.2. Корея Республикаси ва Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий ва ижтимоий соҳадаги алоқалари

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги масофа анча узоқ. Лекин мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда икки томонлама манфаатдорлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат мавжуд бўлса, масофа ўз аҳамиятини йўқотади.

Ўзбекистон ва Жанубий Корея нефт-газ, кончилик, машинасозлик, автомобилсозлик, тўқимачилик, логистика, кимё саноати, қурилиш, ахборот-коммуникация технологиялари ва қатор бошқа соҳаларда кенг кўламли қўшма лойиҳаларни амалга оширмоқда. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Корея қўшма қўмитаси мунтазам йиғилишлар ўтказиб, алоқаларнинг янги қирраларини очиш, мазмунини бойитиш, савдо ва сармоя ҳажмини ошириш масалаларини кўриб чиқади. энергетика ва табиий ресурслар бўйича идоралараро қўмита тузилган.

2006 йилда Стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланган.

Жанубий Корея Ўзбекистоннинг энг йирик сармоявий шерикларидан биридир. Унинг мамлакатимиз иқтисодиётига киритган сармояси ҳажми 2 миллиард АҚШ долларидан ошади. Айниқса, нефт-газ, кончилик, нефт кимёси, логистика, қурилиш соҳаларида катта-катта лойиҳалар бор. Навоий шаҳридаги халқаро аэропорт негизида барпо этилаётган эркин индустриал-иқтисодий зона ҳам бунга яхши мисолдир. Ушбу зонадаги қитъалараро интермодал логистика маркази МДХда ягона бўлиб, у ерда юклар тезкорлик билан туширилади ва ортилади, тақсимланади, махсус омборларга жойлаштирилади. Осиёдан Европага ва Европадан Осиёга жўнатиладиган юклар глобал юк ташиш тармоғининг муҳим бўғинига айланадиган ана шу марказдан ўтади.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси Жанубий Кореядан лизинг асосида иккита “А 300-600 Ф” юк самолёти олиб, логистика маркази ихтиёрига берди. Бу билан марказнинг салоҳияти юксалиб, унинг учун дунёдаги барча юк бозорларига йўл очилди. Қирқ тоннагача юк қўтарадиган “А 300-600 Ф” самолётлари етти минг километр масофани тўхтамасдан босиб ўта олади.

Таъкидлаш жоизки, хорижда мазкур эркин индустриал-иқтисодий зонага қизиқиш кучайиб бормокда. Жорий йил март ойида Сеулда Ўзбекистонда сармоявий ҳамкорлик соҳасидаги янги имкониятларга бағишланган анжуман бўлиб ўтди. Кореялик ишбилармонлар эркин индустриал-иқтисодий зонадаги қулайлик ва имтиёзлар билан атрофлича таништирилди. Натижада умумий қиймати 500 миллион АҚШ долларидан ошадиган 35 сармоявий лойиҳа бўйича келишувларга эришилди.

Ўзбекистон айнан Жанубий Корея билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришнинг мураккаб, энг илғор технологиялар талаб қиладиган, тайёр маҳсулоти юксак даражадаги қўшимча қийматга эга бўлган турини

ўзлаштириб, дунёдаги санокли автомобилсоз давлатлар қаторидан ўрин олди.

Савдо алоқалари борасида Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида 1992 йилдан энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинганини таъкидлаш жоиз. 2008 йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми рекорд кўрсаткич – 1 миллиард 56,7 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Юртимизда 351 та Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Ушбу мамлакатнинг 91 фирма ва компанияси Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очган.

Гуманитар ҳамкорлик ҳам изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. 1992 йилдан Тошкентда Корея таълим маркази фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Самарқанд давлат чет тиллар институтида Корейс тили ва маданияти марказлари, Тошкент ахборот технологиялари университетида Ахборот технологиялари маркази очилган. Тошкентда “Ўзбекистон-Корея” касбга тайёрлаш марказини очиш лойиҳаси таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг яна бир муваффақияти бўлди. У ерда ҳар йили 360 йигит-қиз компьютер йиғиш, графика, электротехника, қишлоқ хўжалиги техникасини таъмирлаш, автомобилларга хизмат кўрсатиш соҳалари бўйича таҳсил олади.

1999 йили Тошкентда очилган “Ўзбекистон-Корея Республикаси” дўстлик жамияти маданий алоқаларни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда. Мунтазам равишда фестивал, кўргазма, концерт ва бошқа кўплаб маданий тадбирлар ташкил қилинмоқда. Корея Республикасида ўтказилган “Марказий Осиё нафосати” фотоқўргазмаси, “Суғдиёна” ансамблининг “Ипак йўли руҳияти” концерти, “Ипак йўли” фестивали, ҳар йили Тошкентда бўладиган Корея маданияти ҳафталиги жулар жумласидандир. Кореялик хонанда ва созандалар Самарқандда ўтадиган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалида доим фаол иштирок этади.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Корея Республикаси ҳукумати ўртасида дипломатик паспортга эга фуқароларнинг визасиз сафар

қилиши тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Жанубий Корея экспорт-Импорт банки ўртасида Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш жамғармаси (Корея эксимбанки) томонидан “В.Воҳидов номидаги жарроҳлик марказини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан қўшимча равишда жиҳозлаш” лойиҳаси учун 10 миллион АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кредит ажратилиши тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан Корея Саноат мажмуалари корпорацияси ўртасида “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасига Корея сармоясини жалб қилишнинг қўшма чоратadbирлари тўғрисидаги англашув меморандуми, “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси билан Корея миллий нефт корпорацияси ўртасида биргаликда Фарғона минтақасида сармоявий блок ишлаб чиқиш тўғрисидаги битим имзоланди.

Мамлакатларимиз БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳамда молиявий институтлар доирасида қяиндан ҳамкорлик қилмоқда. Қайд этилганидек, амалда мамлакатларимизнинг глобал ва минтақавий аҳамиятга молик барча долзарб масалалар бўйича нуқтаи назари ва ёндашувлари анъанавий тарзда ўхшаш ва қяиндир. Бу эса халқаро майдонда бир-бирининг таклиф ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш учун пухта замин бўлиб хизмат қилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Корея Республикаси раҳбариятининг “соф ривожланиш” соҳаси ва экологик тоза технологияларни ривожлантириш борасидаги сиёсатини инобатга олган ҳолда, 2012 йилда БМТнинг иқлим ўзгаришлари бўйича ўн саккизинчи конференцияси Сеул шаҳрида ўтказилишини ёқлайди.

Айни пайтда Халқаро Олимпия қўмитасининг 2018 йилги Қишки олимпия ўйинларига мезбон этиб Пхён-чхан шаҳрини танлашга оид қарори Ўзбекистонда мамнуният билан қабул қилинди.

Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан Марказий Осиё ядро қуролидан холи ҳудудга айлангани ҳамда Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда

барқарорликни сақлаш ва биргаликда тараққиётга эришишдаги ўрни ва бунга қўшаётган ҳиссаси Корея Республикасида юксак қадрланади.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, узоқ муддатли ҳамкорлик йўлида босиб ўтилган самарали йўлга ҳолисона баҳо бериб, шуни айтиш мумкинки, Корея Республикаси Ўзбекистон учун иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш бўйича миллий дастурларни амалга оширишда ҳамда жаҳон ҳамжамиятига босқичма-босқич интеграциялашишда мамлакатимизни кенг қўллаб-қувватлаган, вақт синовидан ўтган ва ҳар жихатдан ишончли стратегик шерикдир.

Бугунги кунда Ўзбекистон-Жанубий Корея муносабатлари давлатлараро ва ҳукуматлараро даражада, иқтисодий ва тижорий тузилмалар, фирма ва компаниялар ҳамкорлиги нуқтаи назаридан, жумладан, гуманитар соҳада ҳам том маънода етуклик, ҳар томонлама пухталиқ касб этиб, ўзаро манфаатдорлик асосида ривожланмоқда ва мамлакатларимиз халқлари манфаатларига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида муваффақиятли ва ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий, сармоявий ҳамкорлик борасида катта тажриба тўпланди. Корея Республикаси мамлакатимизнинг энг йирик савдо шерикларидандир. Ўзаро ҳамкорлик даврида Корея Республикаси томонидан Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган сармоянинг умумий ҳажми 5 миллиард АҚШ долларида ошди, ўзлаштирилган, асосан тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми 2 миллиард АҚШ долларида кўпроқни ташкил қилади.

Жанубий Кореянинг “Неоплант” ва “Шиндонг энерсом” компаниялари таркибида кварс мавжуд бўлган хомашё конларида қидирув ишларини олиб бормоқда ва қяин келажакда техник кремний ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича лойиҳани амалга ошириш мўлжалланмоқда. “Daewoo Интернационал”, “Хаин Тех”, “Шиндонг энерсом” каби компаниялар билан тўқимачилик соҳасида қатор лойиҳалар муваффақиятли амалга

оширилмоқда. “LG электроникс” компанияси билан биргаликда Самарқанд шаҳрида музлатгич ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Ўзбекистонда янги ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш ва мавжудларини модернизация қилиш учун Жанубий Кореядан замонавий технологиялар жалб қилиш икки томонлама ҳамкорликнинг асосий йўналиши бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов Жанубий Корея Президенти Ли Мён Бакнинг ташрифи доирасида икки томонлама сармоявий ҳамкорликка оид ғоят муҳим лойиҳанинг амалий ижроси – Устюрт газ-кимё мажмуи қурилиши бошланишини, унга рамзий тамал тоши қўйилишини алоҳида таъкидлади. Бу мажмуани барпо этиш ишларига 2,6 миллиард доллардан ортиқ тўғридан-тўғри сармоя киритиш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон нефт-газ, кимё, тоғ-кон, машинасозлик, электротехника, фармацевтика ва енгил саноатга, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳамда энергия тежаш ва энергия самарадорлигини ошириш технологияларини жорий қилиш соҳаларига Жанубий Корея компанияларининг сармоя ва замонавий технологияларини янада кенг жалб этишдан манфаатдор.

Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасида маданий-гуманитар соҳаларда серқирра алоқалар қарор топган, келгусида таълим, жумладан, Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОИСА) йўналиши бўйича, тиббиёт, сайҳёлик, спорт соҳаларида, шунингдек, талабалар алмашуви ва илмий-академик доираларнинг муносабатлари каби соҳаларда ўзаро ҳамкорликни янада фаоллаштириш учун барча қулай шарт-шароитни яратишга имкониятлари мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикасининг Қўшма баёноти қабул қилинган. Унда Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари ўз аксини топган.

Шунингдек, саноат ва энергетика соҳасида ҳамкорлик, инжиниринг хизмати, ускуна етказиб бериш ва қурилишга оид қатор ҳужжатлар имзоланган. Умуман олганда, ташриф доирасида умумий ҳисобда йигирмадан зиёд ҳужжат имзоланиши режалаштирилган бўлиб, улар Ўзбекистон-Жанубий Корея стратегик шериклигини кўплаб соҳаларда янги мазмун билан бойитиш ва ўзаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлашга қаратилган.

“Соғлом авлод учун” жамғармаси узок йиллардан бери Корея Республикасининг бир қатор халқаро ташкилотлари ва Университетлари билан ҳамкорликда кенг кўламда фаолият олиб бормокда. Ҳамкорлик битимлари доирасида “Соғлом авлод учун” жамғармаси қошидаги Тиббий-ижтимоий марказида замонавий тиббиёт асбоблари билан таъминланган янги бино қурилди. Республикамизнинг энг чекка ҳудудларида истиқомат қилувчи аҳолини чуқур тиббий кўрикдан ўтказиш, зарур тиббий ёрдамларни кўрсатиш каби мақсадларни кўзлаган ҳолда замонавий тиббиёт техникаси билан жиҳозланган 214,3 минг АҚШ доллари қийматидаги “Hyundai” русумидаги мобил клиникаси жамғарма Ҳудудлараро кўчма тиббий ижтимоий патронаж бригадасига тақдим этилди. Шунингдек жамғарманинг 20 йиллигига Корея халқаро соғлиқни сақлаш KOFIN жамғармаси томонидан 25,3 минг АҚШ долларига тенг бўлган “Hyundai H1” русумидаги мобил клиника Навоий вилояти Тиббий ижтимоий патронаж бригадасига берилди.

2013 йилнинг 19-22 апрел кунлари Корея Республикасининг ва “Ча” университети қошидаги “Бундан Ча” Госпитали малакали шифокорлари Республикамизга ташриф буюришиб туғма юрак нуқсони ташхисли бемор болаларни умумий чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказишди. “Соғлом авлод учун” жамғармаси биносида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Ча” университети қошидаги “Бундан Ча” Госпитали, “Junior Chamber International – JCI” (Корея Республикаси) ва “Соғлом авлод учун” жамғармалари ўртасида қўшимча битим имзоланди. Ушбу тиббий

кўрик натижаларига кўра оғир деб топилган бемор болалар юртимиз ва Корея Республикаси нуфузли клиникаларида соғломлаштирилди.

“Соғлом авлод учун” жамғармаси жисмонан бақувват, маънан етук, руҳан тетик фарзандларни тарбиялашда, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, “Соғлом она – соғлом бола” ҳаракатини ривожлантириш мақсадида бир қатор тадбирларни ўтказмоқда.

2013 йилнинг 5 феврал куни оғир деб топилган 3 нафар беморлар Корея Республикасининг Госпиталларида даволаниш учун жўнаб кетди.

Корея Республикаси билан бир қатор соғломлаштириш дастурлари амалга оширилиб келинмоқда. Ушбу хайрли ишларни давом эттириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Дастури асосида жорий йилнинг Корея Республикасининг Ин Ха Университети госпитали 18 нафар кардиолог, педиатр, ортопед, офтальмолог, фармацевт ва бошқа мутахассислари томонидан Республикамизнинг бир неча ҳудудларида: Республика офталмология клиник шифохонасида, Юқори Чирчиқ тумани Суранкент қишлоғи “Ариран” қариялар уйида ва Навоий шаҳри Аэропорти биносида беморларни умумий чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказдилар.

Улар томонидан ўтказилган ушбу акция давомида жами 820 нафар аҳоли (асосан аёллар ва болалар) қамраб олиб, уларга дори-дармонлар гуманитар ёрдам сифатида тарқатилди.

Жамғарманинг тиббий йўналишда, яъни болаларимизнинг саломатлигини тиклаш борасида қатор халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Бу борада жамғарма Корея Республикасининг “Save the Children” халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда туғма юрак нуқонли бемор болаларни Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиник шифохонасида соғломлаштириш ишлари йўлга қўйилган.

2011 йилнинг 29 август куни “Соғлом авлод учун” жамғармаси, “Save the Children” ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги

ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишган ҳолда келажакдаги ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан битим имзоланди. Унга кўра “Save the Children” хайрия ташкилоти “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармасига қуйидаги мурувват ёрдамларини етказиб берди:

-Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиник шифохонасининг операция ва реанимация хоналарини махсус замонавий тиббиёт жиҳозлари билан таъминлаш мақсадида, қиймати 100 000 АҚШ долларига тенг бўлган тиббиёт анжомлари, тиббий асбоб-ускуналарини ва дори-дармонлар;

-Юрак туғма нуқсонли болаларни операция қилишда ишлатиладиган 100 дона оксигенатор ва уларнинг зарурий воситаларини.

Ушбу лойиҳа натижасида Тошкент Педиатрия клиник шифохонасида махсус замонавий тиббиёт жиҳозлари билан жиҳозланган қўшимча операция хонасини ташкил этилди ва реанимация хонасини замонавий тиббий жиҳозлар билан жиҳозлаш ҳамда мамлакатимизда туғма юрак нуқсони билан хасталанган бемор болаларни замонавий усулларда соғломлаштиришга эришилди.

ХУЛОСА

1. Ижтимоий ҳимоя қилиш тизими - бу ҳуқуқий, ижтимоий - иқтисодий ва сиёсий кафолатларнинг бутун бир тизимини ташкил этади ва тирикчилик воситаларини таъминлаш учун меҳнатга лаёқатли фуқароларга ҳамда аҳолининг ночор қатламларига (давлат ҳисобидан, лекин бу қонун билан белгиланган энг кам иш ҳақидан оз бўлмаслиги лозим) шарт-шароитлар яратиб бериш
2. «Ижтимоий сиёсат» - давлат сиёсатининг муҳим таркибий қисми, у ижтимоий соҳадаги муносабатларни тартибга солишга, инсон омилини тўла номаён қилишга қаратилганлигида мужассамлашади. “Ижтимоий ҳимоя” эса - аҳолининг кам таъминланган қатлами учун турмуш даражаси ва шароитини яхшиловчи чора-тадбирлар тизимини билдиради.
3. Жамиятнинг ривожланиш стратегияси – бу бош мақсад ва устуворликларни ҳамда сиёсий ислохотлар, иқтисодий ва ижтимоий дастурларни амалга оширишнинг изчиллиги, бирин-кетинлигини аниқ белгилашдир. Яққол ифодаланган стратегиясиз барқарор ижтимоий тараққиёт, ҳокимиятнинг турли тармоқлари ва даражаларида хатти-ҳаракатларни мувофиқлаштириш, ресурслар ва кучларнинг оптимал тақсимланишига эришиш мумкин эмас.
4. Дунёда ҳозирги даврда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишда бу қатор моделлар мавжуд. Улар: **социал-демократик модел** (Финляндия, Швеция), **неолиберал модел** (АҚШ), **неоконсерватив** (Германия).
5. “Корея аҳолисининг замонавий ҳолати ҳақидаги доклад” маълумотларига кўра, 2000 йил 1 июл ҳолатига ушбу мамлакатда 65 ёшдан ошганлар сони 3 млн. 371 мингга етди, бу жами аҳолининг 7 фоизини ташкил этади. Аҳолисининг 7 фоиздан ошиғини қариялар ташкил этадиган жамият “қариётган”, 14 фоиздан ошса “қари”, 20 фоиздан ошганда эса “ўта қари” ҳисобланади.

6. Жанубий Корея ижтимоий сиёсати ривожини қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин: 1960-йилга бошланиб 20 йил давом этган дастлабки босқич. Бу босқич асосан минимал даражадаги ижтимоий таъминот ва ижтимоий соҳанинг секин ривожланиши билан тавсифланади. 1980-йилдан бошланган ижтимоий таъминотни кенгайтириш ва ижтимоий сиёсатни фаоллаштириш босқичи. Бу босқичнинг муҳим хусусиятларидан бири Осиё молиявий инқирози туфайли ижтимоий таъминот қайта кўриб чиқилди ва янада кенгайтирилди.
7. Корея Республикаси ижтимоий сиёсатида икки асосий йўналишни ажратиб кўрсатиш мумкин: аҳолини ижтимоий таъминлаш ва давлат ижтимоий кафолатлари.
8. Ҳукуматнинг баъзи чора-тадбирлари иқтисодий ривожланиш учун самарали таъсир ўтказган бўлса, бошқа бирлари салбий таъсир этган ҳоллар ҳам учраб туради. Фавқулодда вазиятларда, ташқи иқтисодий вазият мамлакат учун ўта оғир вазиятлар келтириб чиқарганда, давлат механизми юзага келган инқирозлардан олиб чиқиш учун энг тўғри қарорларни ишлаб чиққан.
9. Ўзбекистон ва Жанубий Корея нефт-газ, кончилик, машинасозлик, автомобилсозлик, тўқимачилик, логистика, кимё саноати, қурилиш, ахборот-коммуникация технологиялари ва қатор бошқа соҳаларда кенг кўламли қўшма лойиҳаларни амалга оширмоқда. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Корея қўшма қўмитаси мунтазам йиғилишлар ўтказиб, алоқаларнинг янги қирраларини очиш, мазмунини бойитиш, савдо ва сармоя ҳажмини ошириш масалаларини кўриб чиқади.
10. Ўзбекистон айнан Жанубий Корея билан ҳамкорликда ишлаб чиқаришнинг мураккаб, энг илғор технологиялар талаб қиладиган, тайёр маҳсулоти юксак даражадаги қўшимча қийматга эга бўлган турини ўзлаштириб, дунёдаги санокли автомобилсоз давлатлар қаторидан ўрин олди.

11.Бугунги кунда Ўзбекистон-Жанубий Корея муносабатлари давлатлараро ва ҳукуматлараро даражада, иқтисодий ва тижорий тузилмалар, фирма ва компаниялар ҳамкорлиги нуқтаи назаридан, жумладан, гуманитар соҳада ҳам том маънода етуклик, ҳар томонлама пухталик касб этиб, ўзаро манфаатдорлик асосида ривожланмоқда ва мамлакатларимиз халқлари манфаатларига хизмат қилмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЛАРИ.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Конституциявий қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2002. № 12. 213-модда.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонуни. //Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2002. № 12. 215-модда. 110
4. Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуни. // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1993. № 9. 320-модда.
5. Ўзбекистон Республикаси қонуни "Суғурта тўғрисида".Т.: 1993й 6 май.
6. “Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари”, 1996 й. 1-12 сонлари, 1997й. 1-12 сонлари ва иловалари ва 1998й. 1-5 сонлари ва иловалар. Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги, Тошкент.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ФАРМОНЛАРИ.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони "Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иктисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йуналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тугрисида" 2005 йил 14июнь, Тошкент 2005
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 апрелдаги ПФ–3592-сонли Фармони. // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. 2005. № 14. 101-модда.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 апрелдаги ПФ–3592-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг

Ҳисоб палатаси тўғрисида Низом”. // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. 2005. 14-сон. 101-модда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АСАРЛАРИ.

10. И.А.Каримов «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократиялаштириш, янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш» 29 январ 2005 йил, Халқ сўзи
11. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъруза. // “Халқ сўзи” 2011 йил 22 январь.
12. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги маъруза. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
13. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир. – Т.: Ўзбекистон, 2010.
14. Каримов И.А., “Ўзбекистон XXI аср бусағасида : хавфсизликка таҳдид, барқарорлик, шартлари ва тараққиёт кафолатлари. - Т.: “Ўзбекистон, 1997, - 326 б.
15. Каримов И.А., “Ўзбекистон – иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлидан”. “Ўзбекистон” нашриёти 1995 йил.

ДАРСЛИКЛАР.

16. Учебник по человеческому развитию, Ташкент, УМЭД и ПРООН в Узбекистане, 2008
17. Назарова Г.Г., Хайдаров Н.Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар. Дарслик. ТДИУ. Т.: 2007й.

- 18.Ливенцев Н. Международные экономические отношения. М.: 2005 г.
- 19.Государственное регулирование рыночной экономики: Учебник. 2-е изд. доп. и перераб. Под общ. ред. д. э. н. п. В.И. Кушлина. М.: РАГС, 2005.
- 20.Ломакин В. Мировая экономика. М.: Юнити-Дана.2004 г.
- 21.Авдокушин Е.Ф. Международные экономические отношения. М.: 2002г.
- 22.Э.Р. Махмудов. Мировая экономика: современные экономические системы. Т.: 2004 г.

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАЛАР.

- 23.Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси (парламенти) фаолиятининг асослари. Маълумотнома-қўлланма. - Т., 2010.
- 24.Инсон тараққиёти қандай ўлчанади. – Қўлланма. БМТТД. 2007.
- 25.Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Тўплам / Ўзбекча нашрининг маъсул муҳаррири А.Х.Саидов. – Тошкент: Адолат, 2004.
- 26.Инсон ҳуқуқлари: парламент аъзолари учун қўлланма. – Т., 2007.
- 27.Парламент назорат: назария ва амалиёт масалалари. // Илмий-амалий семинар материаллари. / Масъул муҳаррир Ф.Ҳ.Отахонов. – Т., 2005.7.2.
- 28.Назаренко К.С. Таможенное оформление внешнеэкономической деятельности: практическое пособие. – М.: Экзамен, 2005.
- 29.Дюмулен И. Всемирная торговая организация. М.: Экономика. 2003 г.
- 30.Стровский Л. Международные экономические отношения. Юнити-Дана. 2003 г.
- 31.Adam Smith. An Inquiry into the Nature and Causes of the Wealth of Nations. A Selected Edition, Edited with an Introduction and Notes by Kathryn Sutherland. -Oxford University Press, 1998, 618 pp

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНЛАР МАЪРУЗАЛАРИ ТЎПЛАМЛАРИ.

- 32.Доклад о развитии человека 2010 – Реальное богатство народов: пути к развитию человека. – ПРООН, 2010. – С. 22.

33. “Минг йиллик Декларациясида белгиланган ривожланиш соҳасидаги мақсадларни амалга ошириш тўғрисидаги маъруза”. 2010 йил. 74-б.

ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАР.

34. Бизнес вестник Востока. Ташкент.
35. Мировая экономика и МЭО. Москва.

СТАТИСТИК МАЪЛУМОТЛАРИ ТЎПЛАМЛАРИ.

36. МВЭС РУз. «Информация о состоянии и перспективах развития взаимоотношений Руз с Европейским союзом».
37. Россия Федерацияси давлат статистика қўмитаси.

ИНТЕРНЕТ САЙТЛАРИ.

38. www.worldbank.org
39. www.gov.uz
40. www.imf.org
41. Ўзбекистонда инсон ривожланишига оид веб-саҳифа
www.humandevlopment.uz
42. Минг йиллик ривожланиш мақсадларига оид веб-саҳифа
<http://www.undp.org/mdg/>
43. 2015 Минг йиллик ривожланиш мақсадларига оид веб-саҳифа
<http://www.un.org/millenniumgoals/>
44. БМТТДнинг бошқа халқаро ҳамкорлари билан биргаликда ишлаб чиқилган парламент ривожланишига оид веб-портал - www.agora-parl.org
45. Инсон ривожланиши тўғрисидаги глобал маъруза, 1990-2010
www.hdr.undp.org
46. Инсон ривожланиши тўғрисидаги атамалар луғати -
<http://www.humandevlopment.uz/uz /glossary/>